Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

11

1992 йил 16 март (50)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ЕРИ БОРНИНГ ЭЛИ БОЙ

Кўп йиллардан бери томорқа энди қадрини топаяпти. Учинчи йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ аҳолисига томорқа ер бериш ҳақидаги Фармонидан одамлар бағрига шамол тегяпти. Томорқа учун 517 минг гектар ер берилди. Умидимиз борким, яқин вакт ичида ўша томорқаларга экилган ниҳоллар, жамоа хўжаликларида ташкил этилган янги боғлар ҳосилга кириб, бозорларимиз арзонлашгусидир.

Ҳисоб-китоб идораларининг маълумотига кўра ҳозирнинг ўзида Ўзбекистонда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг кирқ фоизини томорқа хўжаликлари бераяпти. Жумладан, сут маҳсулотларининг 65, гўштнинг 50, картошка, сабзавот, меванинг 25—45 фоизини томорқачалар етиштиряпти. Қаранг-ки, томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштириш ҳажми жамоа хўжаликларидаги кўрсаткичдан олти баравар кўп экан. Демак, бозордаги сархил мева-чеваю сабзавот асосан томорқалар маҳсулидир.

Ҳа, халқ мақолида айтилганидек, ери борнинг — эли бой! Ери бор, имконияти бор ҳар бир инсон энди ўзини ҳақиқий ер эгаси, миришкори деб билса дастурхонимизга барака киради. Томорқага эга бўлган ҳар бир меҳнаткаш ўзининг асл деҳқон эканлигини, ернинг тилини биладиган соҳибкор, уста деҳқон фарзанди бўлганлигини намойиш этадиган, бир парча ердан ҳам унумли фойдаланиб, зўр ҳосил етиштирадиган вакт келди.

Деҳқонми, ўқитувчими, олим ё ишчими — ерни севса, элни севса, бозорга ёрдам бериш истагида ёнса — у албатта ердан яхши ҳосил ундира олади, бири икки бўлади. Меҳнаткаш фарзандларни вояга етказади. Шу ўринда ҳар бир ўғил-қизимиз ҳам ризқ-рўзимиз, насибамиз не-не меҳнат ва машаққатлар эвазига ердан ундириб олинаётганини ҳис этсин, тушунсин, кўрсин. Мол-қўй, парранда боқишга унинг юрагида ҳавас уйғотайлик.

Лекин томорқага эга бўла туриб, ердан унумли фойдалана билмайдиган, ернинг қадрига етмайдиган, бўш ташлаб қўйган кишилар борлиги ачинарли ҳол. Ўтган йили биргина Жиззах вилоятида томорқа учун берилган 190 гектар ернинг бекор ётгани аниқланган эди. Ўз вақтида ўша ерлар муҳтож, ерни астойдил севиб, ундан унумли ҳосил етиштирадиган кишиларга олиб берилди. Бундай рақамларга деярли барча вилоятларда дуч келинди ва бўш қолган ерларга зудлик билан кузги дон сепиб юборилди.

Республикамизда томорқачилар иттифоқи — яъни якка хўжалик эгалари уюшмаси тузилгани ва унинг бўлимлари ҳар бир районда, колхоз-совхозда иш олиб бораётганини ҳамма билиб қўйиши фойдадан холи эмас. Томорқа ишини юритишда ана шу уюшманинг ёрдамига таяниш зарур. Улар томорқачиларни техника воситалари, уруғлик ва кўчатлар, ўғит билан таъминлашда, етиштирилган ҳосилни сотиб беришда аҳолига яқиндан ёрдам беришлари мумкин. Бундан ташқари томорқа хўжалигини юритиш, мол-қўй харид қилиш борасида ёрдамга муҳтож оилаларга уюшма томонидан беш-ўн йил муддатга ўн минг сўм миқдорида қарз ҳам берилади.

Якка хўжалик эгалари республика уюшмаси раиси Мажид Қодировнинг айтишича, томорқаларда етиштирилган мева-сабзавотни нес-нобуд қилмай, уйма-уй юриб аҳолидан харид қилиб олиш учун ходимлар ва от-улов ажратилган. Шу ернинг ўзида мева-сабзавотни қайта ишлайдиган кичик корхоналар ташкил этилмоқда. Ҳозир қишлоқларда ҳар бир оиланинг ақалли ўз бола-чақасини йил давомида мева-сабзавот, картошка билан таъминлай олишга қодир томорқаси бор.

Энди гап томорқадан оқилона фойдалана билишда. Бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан чиқишнинг асосий йўлларидан бири томорқадан иложи борича кўпроқ маҳсулот етиштиришдан иборатдир.

Наврўз ҳадясини қабул қилинг, буюрсин, — дейди «Она» жамияти раҳбари Нафиса Тошпўлатова кўп болали она Қумри Бобоевага. Ҳа, Тошкент шаҳрининг Фрунзе районида ташкил топган «Она» номли хайр-эҳсон жамияти аҳолига кўплаб Наврўз совғалари топширди.

Суратка: Рустам ШАГАЕВ (ЎзА).

ГАЗЕТАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙЛИК

«Ишонч»нинг 24 февраль сонидаги ўз мухлисларига қарата мурожаатини ўқиб асаб торларим анча таранглашди. Қандай кунларга қолдик-а! Биласизми, ҳафтаномани соғинч билан кутаман. Наҳотки, энди у... Йўқ, мумкин эмас, «Ишонч» яшаши шарт. Мен уни илк нишона сонидан бери ўқийман. Газетани сақлаб қолишни истайман. Бунинг учун албатта амалий ёрдам керак. Ҳар бир газетхон қўлидан келганча бунга ўз шахсий ҳиссасини қўшиши лозим.

Шахсан мен қурбим етганича, яъни 50 сўм пулни почта орқали газета ҳисоб варақасига жўнатдим. Аммо бирор нарсага ихлос пул билан ўлчанмайди. Лекин ҳозир қийин аҳволда қолган севимли газетамиз «Ишонч»га ҳар бир газетхон, ҳар бир жамоа қўлдан келганча ёрдам қилиши зарур. Газета бизнинг мададимизга муҳтож бўлиб турибди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг вилоят, район ва бошланғич ташкилотларига ота-боболаримизнинг ҳикматларидан бирини эслатиб қўймоқчиман: «Олдинхеш, кейин-дарвеш». Касаба уюшмалари нафақат ўз фуқароларига, ҳатто ўзга давлат фуқароларига ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бу жуда тўғри иш. Аммо ўз «Ишонч»ига ёрдам бермаслик, фарзанддан кечган онадек тош меҳрликдир.

Абдулазиз МАҲМУДОВ.
Тошкент вилояти, Пискент шаҳри, Гулистон кўчаси 64-уй.

* * *

— Тошкент Давлат аграр доирилфунуни ўқитувчилари ва талабалари «Ишонч» газетасини ўзлари учун қадрдон деб биладилар,— деб хабар беради талабалар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Хусниддин Абдуахадов. — Ҳозирги қийин шароитда биз газетани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг ҳисоб варақасига 500 сўм ўтказдик. Газетанинг мунтазам чиқиб туришини таъминлаш учун қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Шундай хабарни Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти талабалар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Рустам Қўчқоров ҳам бизга маълум қилди. «Ишонч»нинг институтдаги қадрдонлари 500 сўм йиғишиб газета ҳисобига ўтказишибди. Бундай олийҳиммат газетхонлар, жамоалар сафи яна ҳам кенгайишига умидвормиз. Улар учун газетанинг ҳисоб варақасини яна бир бор эслатиб ўтамиз:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат, деҳқончилик банкидаги 000363601 — ҳисоб варақаси «Ишонч» газетасига тегишли, банк коди — 17268403

ХАБАРЛАР МАҒЗИ



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон берди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича комитет ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

● **НАВРЎЗ** байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Мустақиллик, тинчлик, меҳр-шафқат» хайрия ҳашари ва телемарафонини ўтказиш ҳақида қарор қилди. Шанба куни эса Наврўз байрами олдидан умумхалқ ҳашари ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг фармонига биноан Пўлат Қодирович НЎЪМОНОВ Ўзбекистон Республикаси монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири этиб тайинланди.

● **РЕСПУБЛИКА** олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилишни такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони эълон қилинди.

● **ҚОЗОҒИСТОН** касаба уюшмалари Федерациясининг Кенгаши республика касаба уюшмаларининг газеталари — «Эдилет» ва «Голос» газеталарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун йилига саккиз миллион сўмдан иборат фонд таъсис этди.

● **ТУРКМАНИСТОН** Олий Кенгаши раёсати «Туркманистон Президенти» портретларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда ҳар бир фуқаро ватанпарварлик туйғусини эркин намоён қилиши учун шароит яратиш мақсадида «Туркманистон Президенти портретларини тайёрлаш ва ёйиш, бу портретларни аҳолига чекланмаган миқдорда сотиш» мақсадга мувофиқ деб топилади.

● **ЯҚИН** орада Рига кўчаларида «ЛРТП»га ёзилдингми? Деган шиорлар пайдо бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. «ЛРТП—Латвия республикаси тенгаклар партияси деган маънони билдиради-ки, Латвияда чиқариладиган «Диена» ҳукумат газетаси ана шундай партия тузилганини эълон қилди.

Касаба уюшмаси ҳаёти

ВАЪДАЛАРДАН—АМАЛИЙ ИШГА

«Вилоят меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунлар мажмуининг амалга оширилишида касаба уюшма қўмиталарининг иштироки ҳақидаги» масала касаба уюшмалари Қашқадарё-вилоят Кенгашининг пленумида муҳокама қилинганди. Ҳозир жойларда пленум қарорини бажариш юзасидан қандай ишлар амалга оширилаяпти? Шу тўғрида ўзаро фикрлашиб олиш, навбатдаги муҳим йўналишларни белгилаш мақсадида вилоят касаба уюшмалари фаолларининг «Давра суҳбати» бўлиб ўтди.

Э. Ражабов. Касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг раиси:

— Яқинда касаба уюшмалари вилоят Кенгашида кам таъминланган, ёлғиз кишилар, ногиронларга иссиқ овқат тайёрлаб бериш мақсадида давлат ижтимоий суғурта фондидан 150 минг сўм пул ажратдик. Лекин бу кам. Эркин нархлар амал қила бошлаши билан аҳолининг кам таъминланган табақалари оғир вазиятга тушиб қолди. Шунинг учун ҳозирги асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат: 1992 йил учун зудлик билан меҳнат жамоалари билан касаба уюшмалари қўмиталари ўртасидаги шартномаларни қабул қилиш, давлат мулкининг хусусийлаштирилиши натижасида ишсиз қоладиган кишиларни ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш чораларини кўриш; аҳолининг энг зарур кундалик эҳтиёж моллари билан қандай таъминланаётганини қатъий назорат остига олиш.

Э. СУВОНОВ, Вилоят деҳқончилик саноати мажмуи касаба уюшмалари қўмитаси раиси:

— Қўмитамизга қарашли касаба уюшма ташкилотларида 280 минг аъзо бор. Тармоққа тегишли олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 5 мингдан зиёд талаба таълим олаяпти. Биз айрим ўқув юртларидаги шароит билан танишиб чиқдик. Масалан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти Қарши филиалида талабаларга яратилган шароит ниҳоятда қониқарсиздир.

«Ғамхўрлик» деган фонд ташкил қилаяпмиз. Унга маълум фоиз маблағ бериб, кам таъминланган кишиларга, муҳтожларга, талабаларга ёрдам ташкил қилмоқчимиз. Чунки 100 дан ошиқ ниҳоятда ёрдамга муҳтож қарияларимиз бор. Тўғри, «Қаршиндустрия» бирлашмасида меҳнаткашларни ҳимоя қилиш юзасидан айрим ижобий тадбирлар ўтказилаяпти. Ўтган йили қўмитамиз бўйича меҳнаткашларга ёрдам мақсадида 70 минг сўм пул сарфладик. Лекин булар ҳали етарли эмас.

С. УМАРОВ, Косон ёғ-экстракция заводининг директори:

— Заводимизда касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда ўтган йили ишчи-хизматчиларга ёрдам сифатида 20 минг 400 сўм сарфладик. Бундан ташқари 100 халта унни бепул тарқатдик. 20 тонна қандолат маҳсулотларини арзон нархларда сотдик. Уй қураётган кишиларимизга 170 куб метр ёғоч материаллари бердик. Арзон нархларда гўшт, чой, узум, анор, олма ва бошқа турли хил маҳсулотларни келтириб тарқатаяпмиз. Завод ошхонасини ёрдамчи хўжалигимизда етиштирилган маҳсулотлар билан мунтазам таъминлаб турибмиз. Тайёрланаётган овқатлар арзон ва сифатли. Ишчиларимизнинг ҳар бирига 1 тонна шелуха, 1 тонна кунжарани бепул бердик. Ёш оилаларга минг сўмгача ёрдам бераяпмиз.

Айни кунларда заводимиз узлуксиз ишлаши учун чет эллар билан алоқа ўрнатаяпмиз. Чунки бизда асосий хом ашё — соя етишмайди. Шу мақсадда Америка Қўшма Штатлари билан мол айирбошлаш тўғрисида шартнома тузмоқчимиз. 1992 йилнинг иккинчи ярмида совун цехини ишга туширмоқчимиз.

Ш. Бобожонов, Қарши давлат педагогика институти талабалари касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Институтимизда 4 мингдан зиёд талаба ўқияпти 4 та умумий ётоқхонамиз бор. Кўпчилик талабаларимиз ижарада яшаяпти. Ҳозир стипендияларимиз ошди. Купонлар ҳам ўз вақтида берилаяпти. Талабаларимиз ҳар куни овқат учун 5 сўм олаяпти. Бизда озиқ-овқатларни ўз вақтида олиш муаммо эмас. Олийгоҳимизнинг махсус дўконида рўйхат билан бериладиган озиқ-овқатлар ҳамиша бўлади.

Олийгоҳимизда 70 нафар Афғонистонда хизмат қилган талаба бор. 400 дан ошиқ етим-есирлар ўқияпти. Тикувчилик фабрикалари бизга шартнома асосида кийим-кечаклар тикиб берса, шаҳар раҳбарлари биронта ҳаммом қуришни режалаштиришса жуда хурсанд бўлардик. Яқинда 20 та телевизор олдик. Бунинг учун вилоят раҳбарларига раҳмат.

Х. Исмоилов. Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи:

— Кейинги пайтларда жуда кўп йигит-қизлар билан суҳбатлашишга тўғри келди. Уларнинг гап-сўзларидан шундай хулосалар чиқариш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги шунингдек, олий ўқув юртларидаги ноҳакликлар маълум даражада жанжалларга сабаб бўлаяпти. Касаба уюшмалари эса камчиликларни кўриб кўрмасликка олмоқдалар. Уларда фаоллик, ташаббускорлик йўқ.

Суҳбат чоғида филология факультетининг талабалари ўз фикрини бир варақ қоғозга саводли қилиб ёзиб беришолмади. Уларни олий даргоҳга ким қабул қилган? Қандай қабул қилинган?

Косон районидаги бир хўжаликда аҳолига қўй сотиш бўйича Президент қарорларининг бажарилишини текширдик. Қўйларни кимлар олган денг? Директор, бош мутахассислар, кассир ва ҳоказо амалдорлар. Оддий кишилар четда қолиб кетаверган.

Назоратни канча кучайтирмайлик, моллар четга чиқиб кетаяпти... Ушланган молларни конунга мувофиқ тарзда соттиришнинг аниқ бир тартиби йўқ. Биргина мисол яқинда «Минск» маркали музлатгичларини четга олиб кетаётган шахсларни ушладик. Музлатгич савдо тармоғида сотиш учун юборилди. Кейин билсак уларни фақат милиция ходимлари ва раҳбарлар сотиб олишибди. Бунга ўхшаш ҳолатлар табиий равишда кишиларнинг норозилигига сабаб бўлаяпти.

Э. Эшбобоев, Шаҳрисабз райони деҳқончилик саноати мажмуи касаба уюшмалари қўмитаси раиси:

— Бу ерда жуда яхши гаплар айтилаяпти. Аслида ҳамма гап раҳбарга боғлиқ. У қўли тоза, дили пок, ҳалол одамми? Бизда шундай совхоз директорлари бор-ки, меҳнаткашни қабул қилишни истамайди, тингламайди. Одамлар билан ишлашни ўрганишимиз керак, асл, тоза одамларни лавозимларга кўтарайлик.

Р. САТТОРОВА, вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи:

— Ишимиздан ўзимизнинг ҳам кўнглимиз тўлмаяпти. Аҳолини етарли даражада ҳимоя қилолмаяпмиз. Турмуш тарзимизни ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўришимиз лозимга ўхшайди. Чунки бизда ҳамон исрофгарчиликка йўл қўйиляпти. Илғор хорижий мамлакатлар — Франция, Англия, Америка ва бошқалардаги ибратли ҳаёт тарзини ўргансак, бунинг нимаси ёмон?!

М. ТЎРАҚУЛОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг бўлим мудири:

— Келгуси йилдан бир неча янги олийгоҳлар очилиш кўзда тутилаяпти. Шундай экан, шаҳримизда талабалар сони янаям кўпаяди. Бу деганим, уларнинг яхши ўқишлари, яшашлари учун барча зарур шароитларни яратишимиз лозим. Бунда касаба уюшмалари вилоят ҳокимиятига кўмаклашиш зарур.

«Давра суҳбати» анча қизиқарли ва баҳсли ўтди. Келгусида касаба уюшмалари амалга оширадиган вазифалар белгилаб олинди. Лекин айрим нотиқларнинг сўзлари қилинажак ишлар баёнидангина иборат бўлиб қолди ва аҳолини ҳимоя қилиш юзасидан аниқ таклифлар ўртага ташланмади. Бизнинг фикримизча, суҳбатда илгари сурилган яхши ғоялар, чиройли гаплар ҳаётга канчалик тез татбиқ этилса нур устига нур бўлурди.

«Давра суҳбати»ни «Ишонч»нинг ўз мухбири А. ТАЙПАТОВ ёзиб олди.

Хива гиламларининг янги-янги нусхаларини яратишда корхона мусаввиралари Гулсара Саъдуллаева, бош мусаввир Қаҳрамон Қурбонов ва Улуғбек Отаевларнинг изланишлари катта самара бермоқда. Лекин дўконларда гиламларнинг жуда қимматлиги яхши бўлмаяпти-да. Балким, бу ҳақда ўйлаб кўришар.

Суратқаш: Жўра-БОБОРАҲМАТ.

ШАРТНОМАНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Заводимизда 409 киши меҳнат қилади. Жамоанинг унумли ишлаши учун зарур шароитлар яратиб берилган, иш ҳақи, товон пуллари, нафақа ва пенсия пуллари ўз вақтида берилаяпти. Ҳар йил бошида завод маъмурияти билан касаба уюшмамиз қўмитаси ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, унда ишчи-хизматчиларни социал ҳимоя қилиш дастури белгилаб олинади.

Ўтган йилги шартнома шартларининг бажарилиши жамоамизни мамнун этди. Аввало ишчиларнинг тушлик вақтида ҳордиқ чиқаришлари таъминланди. Завод қошидаги 150 ўринли ошхона таомларининг сифати яхшиланди. Меҳнати оғир бўлган кишиларга бепул ва арзон нархда иссиқ овқат ва қатиқ бериш йўлга қўйилди. Шу ерда аралаш моллар магазини ишламоқда. Байрам кунлари арзон нархда гўшт сотишни ташкил этдик. Завод қошида 240 нафар болани тарбиялайдиган доимий болалар боғчаси ишлаб турибди. Ўз санаторий-профилакториймизда ишчилар ўз саломатликларини тиклаяптилар.

Заводимизга тажриба ўрганиш учун турли вилоятлардан, жумҳуриятлардан мутахассислар келиб турибди. Шуни ҳисобга олиб 20 ўринли меҳмонхонани қуриб битказиш арафасида турибмиз.

Қорақир тепалиги ёнидаги 20 гектарлик табиий кўлда балиқ етиштиришни йўлга қўйдик. Корхона ёрдамчи хўжалиги ерларида қорамол боқиб завод ишчиларига гўшт етказиб бериш чорасини кўраяпмиз.

Ютуқларимиз соясида айрим камчиликлар ҳам борлиги сир эмас. Масалан, техника ҳавфсизлиги бўйича илгари юқоридан турли хил плакатлар, кўргазмали қуроллар, техника соҳасида ишловчиларни инструктаждан ўтказиш йўл-йўриқлари ифодаланган кўрсатмалар келиб турар эди. Шу нарсалар кейинги йилларда келмай қолди. Шунга қарамай имкониятларимиздай келиб чиқиб, ўз мутахассисларимиз кўмагида меҳнат муҳофазасига оид бир қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз.

Уюшмамизнинг шу кунлардаги туб мақсади маъмурият билан тузилажак жамоа шартномасида ишчилар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этишга қаратилгандир. Бу муҳим ҳаётий ҳужжат лойиҳаси ҳозиргача бошланғич ташкилотларда ва қўмитамизда муҳокама этиб бўлинди. Тез кунларда у имзоланиб кучга кирса ангорлик пахта тозаловчилар дилидаги кўп эзгу ниятларнинг рўёбга чиқишига кенг йўл очилган бўларди.

Ҳайитмурот АБДУВАИТОВ, Сурхондарё вилояти, Ангор районидаги пахта тозалаш-тажриба заводи касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

Ҳамкорлик

— Аввало шуни айтинг-чи, делегация аъзолари сафардан кутилган мақсадга эришдиларми?

— Албатта. Биз мустақил Ўзбекистон республикаси касаба уюшмалари билан Умумхитой касаба уюшмалари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш мақсадида олдиндан баъзи масалаларни ҳал этгани бу ерга келган эдик. Ўзбекистонлик биродарлар бизни эски қадрдонларидек очиқ чеҳра билан қарши олдилар. Келишувга мувофиқ яқин вақт ичида олий даражадаги делегациялар ўзаро учрашиб маълум йўналишлар бўйича битимларни имзолайдилар, шу тариқа алоқаларимиз яна ҳам ривожланиб кетади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа вақт ичида у жаҳоннинг кўпгина минтақаларига машҳур бўлиб кетди. Буни биз ҳам ҳис этиб турибмиз. Республикангизни юздан ортиқ мамлакат тан олганлигини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлигини эшитиб хурсанд бўлдик. Касаба уюш-

Суратда: Учрашув пайти

Ахмад Даврон олган сурат

МУСТАҚИЛ ЭЛНИНГ ЙЎЛИ МУНАВВАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши таклифига мувофиқ Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси бир неча кун давомида республикамизда меҳмон бўлди. Делегация таркибида Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси халқаро бўлими сектор мудири, халқаро фаолият бўйича комиссия аъзоси Изянь Лецин ва шу бўлим референти Дун Циали бор эди.

Меҳмонлар сафар давомида республикамиз касаба уюшмалари фаоллари билан учрашдилар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Ҳамидович Собитов билан суҳбатлашдилар.

Сафар охирида «Ишонч» газетаси махсус мухбири Жасур ФОЗИЛ ўғли делегация раҳбари Изянь Лецин билан учрашиб, ундан бир неча саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

малари Федерациясининг Франция, Италия, Афғонистон касаба уюшмалари ташкилотлари билан бевосита алоқа боғлаганлиги яна ҳам қувонарли ҳол. Халқаро алоқалар бундан буён ҳам кенгая бориши керак. Ҳамкорликдан фақат фойда кўрилади.

Биз ҳам 130 дан ортиқ жаҳон мамлакатларидаги 300 дан зиёд миллий касаба уюшмалари ташкилотлари билан дўстона алоқа ўрнатганмиз. Бу алоқалар мустақиллик, тенглик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосига қурилган. Шундай алоқаларни Ўзбекистон касаба уюшмалари билан ҳам ўрнатиш тарафдори бўлиб Тошкентга келдик. Дилимизга тугиб қўйган барча ниятларимиз рўёбга чиқади деган умиддамиз.

— Суҳбатлар ва учрашувлар давомида Хитой ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари зиммасидаги вазифалар муштараклиги сезилдими?

— Муштараклик сезилди, албатта. Ҳар иккала мамлакат касаба уюшмалари энг аввало меҳнаткашларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларни социал ва иқтисодий жиҳатдан муҳофаза этишга бел боғлвгвнлвр. Бизга ўртоқ Т. Ҳ. Собитов бу йўналишда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз олиб бораётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди. Республикангиз касаба уюшмалари ғоят қудратли ташкилот экан. Унга 7,3 миллион ишчи, колхозчи, зиёли ва бошқа табақа вакиллари бирлашган экан. 23 та тармоқ, 12 та вилоят, битта республика ва Тошкент шаҳри касаба уюшма ташкилотларидан иборат Федерациянгиз ҳозирги қийин шароитдан халқни беталофот олиб чиқиб кетишига бизда ишонч ҳосил бўлди.

Касаба уюшмалари ҳамма жойда халқнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлаётганлиги учун ҳам унинг сафлари тобора кенгайиб бормоқда. Бизнинг касаба уюшмаларимизга ҳам 101 миллион 350 мингдан ортиқ киши бирлашган. Жамоаларда 600 мингдан ортиқ қуйи касаба уюшмаси ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Бизда ишчилар синфи раҳбар синф сифатида шаклланган. Шу синфнинг оммавий ташкилоти ҳисобланган касаба уюшмаси ташкилотлари мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига самарали таъсир ўтказмоқда.

Юқорида айтганимдек, асосий мақсадимиз халқ фаровонлигини ошириш, меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаштир. Бизда кейинги 10—12 йил ичида аҳоли жон бошига қурилган уй-жой майдони икки баробар кенгайди. Йиллик маош ставкаси 615 дан 2150 юанга етди. Ҳозир асримизнинг охиригача бажариладиган ишларни режалаштириб олганмиз. 200-йилга бориб ялпи миллий маҳсулот 1980 йилдагига нисбатан 4 баробар кўпаяди. Биз бундай ўсишларга кўпроқ қўшма корхоналар кучи билан эришмоқдамиз.

— «Ташинтерм» ўзбек-хитой қўшма корхонаси бизда ҳам шуҳрат қозонган. У тайёрлаётган маҳсулотлар халққа манзур бўлаяпти.

— Афсуски, бундай корхоналар сизларда кам-да. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар қанчалик кўп бўлса шунча яхши. 1991 йилгача Хитойда 17 мингта қўшма корхона рўйхатга олинган эди. Уларнинг 70 фоизида касаба уюшмаси ташкилотлари тузилган. Қўшма корхоналар тузишда чет эл капиталидан, кооперативлар маблағидан унумли фойдаланмоқдамиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари билан бўлган учрашувлар ва суҳбатлар чоғида ўзаро қўшма корхоналар қуриш, тижорат ишларини йўлга қўйиш хусусида фикрлар айирбошладик. Ўйлайманки, бу иш кенг йўлга қўйилса иккала томон ҳам қатта манфаат кўрарди.

Биз шунга ўхшаш масалаларни бафуржа ҳал этиш мақсадида ўзбекистонлик ҳамкасбларимизни Хитойга таклиф этдик. Таклифимиз мамнуният билан қабул қилинди. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги қадимий алоқалар яна тикланади. «Ипак йўли» бизни боғлайди, мустақиллик қуёши икки халқ йўлини мунаввар этиб туради.

— Хабарингиз бор, мамлакатимизда нархнавонинг эркинлашуви муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақалари, айниқса нафақахўрларга қийин бўлаяпти. Уларни социал ҳимоялаш йўлида республикамиз касаба уюшмалари кўраётган чора-тадбирларни қандай баҳолайсиз?

— Нафақахўрлар муаммоси ҳамма жойда бор. Бизда ҳам 20 миллиондан ортиқ нафақахўрлар рўйхатга олинган, Кўпгина маҳаллий ва қуйи касаба уюшмаларида нафақахўрларни бошқарувчи органлар тузилган. Улар нафақахўрлар манфаатини ҳимоя қилади, кексалар саломатлиги учун фойдали тадбирларни уюштиради.

Ўзбекистонда 30,5 минг нафақахўрлар бор экан. Уларга кўрсатилаётган ёрдам ҳақида бизга сўзлаб беришди. Касаба уюшмалари ҳисобидан ҳар куни бир марта иссиқ овқат ташкил этилаётганлиги ҳам улар учун катта мадад. Шу тадбирнинг ўзига йил давомида 110 миллион сўм сарфлаш мўлжалланган экан. Нафақахўрларга санаторий ва дам олиш уйларига бепул йўлланмалар берилаётганлигини ҳам эшитдик. Бошқа хил тадбирлар ҳам кексаларни социал ҳимоялашга қаратилгандир.

Биз сафар давомида ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг кўпгина ибратли тажрибаларидан хабардор бўлдик. Сизларни қизиқтирадиган тажрибалар бизда ҳам бор. Бевосита алоқалар йўлга қўйилса бир-биримиздан яна ҳам кўп нарсалар ўрганар эдик. Биз ўзбек халқига энг яхши ниятларимизни йўллаб, яна дийдор кўришгунча хайрлашиб қоламиз.

ҚЎШМА КОРХОНА ХОМ АШЁГА МУҲТОЖ

«Интернав» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

«Интернав» ўтган йилнинг август ойида Туркиянинг «Интерлайн интернешил трейдинг» фирмаси билан Ўзбекистоннинг «Нав» илмий-тижорат фирмаси ҳамкорлигида ташкил этилган эди. Бу ерда асосан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Шунингдек фирма жамоа ва давлат хўжаликлари, ташкилотлар, барча ишхоналарга керакли бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий техника ва технологияни Туркиядан бартер ва бошқа йўллар билан харид қилишда воситачилик вазифасини ҳам бажаради.

Қўшма ишхонанинг тикув цехи дастлабки маҳсулотларини тайёрлай бошлади. У эркаклар кўйлаги ва майкаси бўлиб, Туркиядан келтирилган матодан тикилаяпти. У Наврўз байрами кунларида савдога чиқарилади. Наврўзгача 13 минг дона кўйлак ва майка тайёрлаш мўлжалланмоқда. Ҳозирча цехда 25 тикувчи меҳнат қилаяпти. Улар кийимларни Япония фирмаларидан Туркия олиб келган тикув машиналарида тикмоқдалар.

— Келгусида ҳар ойда икки миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришмоқчимиз,— дейди қўшма корхона бош директорининг ўринбосари Равшан Муҳамедов,— Бунинг учун энг аввало хом ашёга эга бўлишимиз керак. Ҳозирча у Туркиядан олиб келинаяпти. Ҳар метр кўйлаклик мато 1,2 долларга тушаяпти. Бу жуда қиммат, албатта. Шунинг учун Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқараётган кийимлик ип газламалардан маҳсулот тайёрлашни кўзлаяпмиз, лекин уларни олиш анча мушкул бўлаяпти. Келажакда албатта олсак керак. Умидимиз катта. Яқин келгусида тикувчилар сонини 70 кишига етказамиз. Улар асосан маҳаллий хотин-қизлар бўлади. Корхонанинг директори Аднан Очкач тижорат иши билан ҳозир Туркияда. Бош мутахассисимиз турк фуқароси Сабри Гўзалтепе янги ишга олинганларни бир ҳафта давомида машинада ишлашга ўргатади. Туркча тикув технологияси анча мураккаб кўринса-да опа-сингилларимиз уни тезда ўзлаштириб олаяптилар. Кейинчалик тикувчиларимиз орасидан технологлар етишиб чиқса ажаб эмас. Маҳсулот хиллари ҳам кўпаяди, Жумладан аёллар жемперлари, болалар кийим-кечаклари, спорт кийимлари сингари 20 хил маҳсулот тайёрлашга ўтамиз. Йиллик оладиган фойдамиз 10 миллион сўмдан ошиши керак.

«Интернав» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг бош мутахассиси Сабри Гўзалтепе ҳамкорликнинг илк одимларидан мамнунлигини билдирди:

— Биз аввало ҳамкорликда ишлаш имконияти яратилганидан хурсандмиз. Сизлар билан тилимиз яқин, динимиз бир. Муддаоларимиз муштарак. Мен бу ерда худди ўз уйимда яшагандек яшаяпман. Қўшма корхонада ишлаётган ўзбек хотин-қизлари ўз онам ёки синглимдек бўлиб кетишди. Улар ишни тез ўрганиб олишаяпти. Фақат тезкорлик етишмаяпти, холос. Буюрилган ишни кўнгилдагидек бажаришади-ю, лекин технологиянинг кейинги босқичини ўзлаштиришда буйруқ кутиб туришади. Ишбилармонлик етишмайди. Буйруққа ўрганиб қолишганда. Ҳечқиси йўқ, бу қусурдан зукколиклари туфайли халос бўлишаяпти.

Энг аввало Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги туфайли шундай ёнма-ён ишлашга эришдик. Бош директор ўринбосари Равшан Муҳамедов қарамликни енгамиз, деб ҳаракат қилаяпти. Бу укамизга, бутун жамоага омад тилайман.

Т. АЛИМОВ.

Бозор муаммолари

ИЧКИ ИМКОНИЯТНИ ҚИДИРАЙЛИК

Қасаба уюшмалари Самарқанд вилоят кенгашида эркин нарх-наво шароитида аҳолини социал ҳимоялаш чора-тадбирлари мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Эркин нархга ўтилиши муносабати билан юзага келган шароитда аҳолига енгилликлар яратиш имконияти борми? Бу долзарб масала ҳозирги кунда кўпчиликни ўйлантирмоқда. Шу боисдан давра суҳбатида касаба уюшмалари ходимлари билан биргаликда вилоят нарх бўлими, озиқ-овқат саноати корхоналари, тайёрлов ва савдо идоралари раҳбарлари, молия ва солиқ инспекцияси ходимлари — соҳага алоқадар бир канча ташкилот вакиллари иштирок этдилар.

Олимхон Обрўев, касаба уюшмалари Самарқанд вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

— Суҳбатимиздан кўзда тутилган мақсад аниқ — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган маҳсулотларнинг нархини озми-кўпми пасайтириш имкониятларини биргаликда ўйлаб кўриш. Чунки, аҳволимиз ташвишли.

Январь ойида Самарқанддаги шойи ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳар бир ишловчининг ойлик иш ҳақи ўртача минг сўмни ташкил этган бўлса, чой қадоқлаш фабрикасида — 460 сўм, маҳаллий саноат корхоналарида — 600 сўм, тиббий муассасаларда 650 сўмга етди ва ҳоказо. Ҳолбуки, ҳар бир ишловчи қарамоғида ўртача 2 нафар фарзанди ёки меҳнатга яроқсиз киши бор. Кам таъминланган оилалар ва пенсионерларга тўланадиган нафақалар қўшиб ҳисобланганда вилоятимизда аҳоли жон бошига ойига ўртача 250—300 сўм атрофида маблағ тўғри келмоқда. Бу маблағ фақат нон, чой, макарон ва сабзавотдан ортмайди. Нафақахўрлар, ногиронлар, кўп болали оилалар ва талабаларнинг аҳволи янада мушкул.

Нарх-навонинг кескин кўтарилиши туфайли савдо-сотиқ ҳажми қисқараяпти. Жумладан, маҳсулот ўтмаётганидан Самарқанд гўшт комбинати колбаса тайёрлашни кескин камайтиришга мажбур бўлди. Қаймоқ, творог қимматлиги учун дўконларда эскириб қолаяпти. Менимча, уларга қўйилаётган нарх қайта кўриб чиқилмаса, эскириб, бузилаётган маҳсулотлар тури кўпаяверади. Бундан аҳоли ҳам, корхоналар ҳам зарар кўради.

Абдулла Мардонқулов, вилоят кооператив тайёрлов савдо идораси бошқарувининг раиси:

— Савдо ташкилотимиз бултур ёз ойларида ташкил топди ва халқимизга имконият даражасида хизмат қилаяпти. Мени кўпроқ катта-кичик деҳқон бозорларидаги бугунги аҳвол ташвишга солаяпти. Сабзи, пиёз, картошка, олма, анор, майиз, ёнғоқ ноз-неъмат борки, қиммат. Менимча, қимматчиликка деҳқон айбдор эмас. Унинг аҳволини тушиниш керак. Масалан, деҳқон фарзандига битта туфлини минг сўмдан зиёдга сотиб олади. Унинг учун килоси бир сўмдан бир тонна сабзи, шолғом ёки бошқа маҳсулот сотиши керак. Ахир, бунча маҳсулотни етиштиришнинг ўзи бўладими?

Қимматчиликнинг сабабчиси — деҳқон бозорларида ин қуриб олган чайқовчилар. Масалан, шаҳардаги энг катта Сиёб бозорида бир манзарани кўп кузатганман. Маҳсулот бозор дарвозасидан кириши билан унга чайқовчилар эгалик қилишади. Деҳқон бечорани ҳоли-жонига қўймай, қўрқитиб бўлса ҳам келтирган сабзими, майизми, бошқа маҳсулотми арзон гаровга сотиб олади. Кейин бозорнинг энг яхши жойи ўшаларники, истаган баҳосини қўйиб сотади.

Деҳқон бозорларида нарх-навони арзонлаштириш учун учар чайқовчиларни йўқ қилиш керак. Бунинг учун ҳамжиҳатлик зарур, касаба уюшмаларнинг таъсири сезилиб туриши керак. Бозорларда чайқовчиларга қарши вақти-вақти билан рейдлар ўтказиб туриш лозим.

Ҳафиз Азизов, Самарқанд гўшт комбинатининг бош директори:

— Ҳозир корхонамизда бир килограмм мол гўшти чакана нархда 30 сўмдан, улгуржи савдода эса 43 сўмдан сотилмоқда. Улар орасидаги фарқ 13 сўм. Чакана нархда сотилганида бу фарқ давлат бюджетидан қопланади. Шунинг учун ҳам кўпгина савдо ташкилотлари улгуржи баҳода маҳсулот олишни хоҳламай, қуруқ қайтишаяпти.

Жигар, ўпка, буйрак ва ҳоказо иккинчи даражали саналмиш маҳсулотларимиз янада арзон. Жумладан, биз шаҳар савдо ташкилотларига бир кило жигарни 15 сўмдан етказиб бераяпмиз. Савдо устамаси билан 18 сўм. Харидор бор. Чунки, у бозордагига нисбатан ҳам, кооператив савдо дўконларидагига нисбатан ҳам анча арзон. Шаҳардаги гўшт дўконларида бир кило мол гўшти ҳам, жигар ҳам 35 сўмдан пулланмоқда.

Аҳолига озми-кўпми енгиллик яратиш йўлларини қидираяпмиз. Масалан, жигар, ўпка кабиларни корхонамиз савдо тармоқларига ўз транспорти билан етказиб беради. Савдо устамаси ҳам ҳозиргидай 20 фоиз эмас, анча камайтирилиши, 5 фоиз миқдорида белгиланиши мумкин. Қарабсизки, шу турдаги гўшт маҳсулотлари нархи ўз-ўзидан тушади.

Умар Ўринов, Самарқанд сут комбинатининг бош директори:

— Эркин нархларга ўтилиши, савдода купон жорий этилиши муносабати билан айрим сут маҳсулотлари савдосида ҳам чалкашликлар юзага келди. Уларнинг кўпчилиги тез бузулувчан эмасми, пештахталарда туриб қолиб, сифатини йўқотди. Ҳозирги пайтда сут ва қатиқ купонсиз сотилмоқда. Бу тадбирни аҳоли қўллаб-қувватлаяпти. Фикримча, сариёғ ва пишлоқдан бошқа сут маҳсулотларининг барчаси купонсиз сотилгани маъқул.

Маҳсулотни арзонлаштиришнинг турли йўлларини қидираяпмиз. Масалан, корхонамиз қошида ишлаб турган фирма дўконида сотилаётган сут маҳсулотлари шаҳарнинг бошқа жойларидаги магазинлардагига нисбатан арзон. Сабаби, бизда савдо устамаси бошқа магазинлардагидек 20 фоиз эмас, балки 10 фоиз. Корхонамиз шаҳарнинг турли мавзеларида шундай дўконлар очишни мўлжаллаяпти, Фақат жой ажратилишида ёрдам керак.

Даврон Музаффаров, касаба уюшмалари Самарқанд вилоят кенгаши социал иқтисод бўлимининг мудири:

— Менимча, нарх-навода ошкораликка эътибор кучайтирилиши керак. Шу мақсадда ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ магазинларида қайси турдаги маҳсулотлар талонга, қайсилари купонга берилиши кўрсатилган ёзувлар осиб қўйилишига эришишимиз даркор. Яна бир фикр. Маҳаллий ҳокимият органлари тайёр мол ва маҳсулотларнинг вилоят ва республикадан олиб чиқиб кетилиши устидан назоратни янада кучайтиришлари зарур, деб ҳисоблаймиз. Токи, маҳсулот айирбошлаш, яъни бартер йўли билан жумҳуриятдан ташқарига чиқаётган моллар эвазига қандайдир шохона буюмлар эмас, балки кенг омма учун керакли истеъмол моллари олинсин.

Шунингдек, савдо идоралари ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган 20 фоизлик савдо устамаси ҳажмини қайта кўриб чиқишлари зарур. Ҳар куни ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотларига савдо устамасини ҳеч бўлмаса йилнинг охиригача 10 фоизга тушириш мумкин. Негаки, иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, шу йилнинг куз ойларида республика иқтисодиётига ижобий ўзгариш кутилмоқда.

Маҳмуд ЭРАЛИЕВ,
«Ишонч» мухбири,
Самарқанд вилояти.

Кексалар миннатдор

Гурлан районида бўлганимизда ёлғиз яшовчи кексалар турмуши билан танишдик. Ҳамроҳимиз район касаба уюшмаси қўмитаси раиси Раъно Худойберганова билан биргаликда Майшароб Сабинанинг уйига кирдик. Майшароб момо 77 ёшда экан. Кўзи ожизланиб қолган. Ундан ҳол-аҳвол сўраганимизда «Қизлар ҳар куни хабар олиб туришибди. Илоё, умрлари узун бўлсин», дея дуо қилди.

Районда ёлғиз қарияларга, кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам кўрсатиш юзасидан турли хил чора-тадбирлар кўрилаётир. Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раёсати якка-ёлғиз, қаровсиз фахрийларни ҳимояга олиш ҳақида қарор қабул қилгандан сўнг бу соҳадаги ишлар яна ҳам кучайди. Ҳозир қаровчисиз қариялар бепул тушлик овқат билан таъминланмоқда. Занфира Гараева, Ольга Тен, Зулфия Сапакова, Нина Колтуновская каби кексалар кўрсатилаётган меҳр-шафқатдан миннатдор эканликларини билдирдилар.

Ю. ЛАТИПОВ,
Хоразм вилояти.

150 МИНГ СЎМ АЖРАТИЛДИ

Қасаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кишилар, ногиронларни социал ҳимоя қилиш мақсадида давлат суғурта фондидан 150 минг сўм пул ажратишга қарор қилинди. Бу пулга вилоят маркази ва районлардаги махсус ошхоналарда иссиқ овқат тайёрланиб, бепул таркатилади.

Вилоятдаги кўпгина бошланғич касаба уюшма қўмиталари ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, аҳолини ҳимоя қилиш тадбирларини белгилаяптилар.

Тўйга бепул ун

Чирокчи районидаги «Кўкдала» давлат хўжалигида аҳолини социал ҳимоя қилиш мақсадида ҳар бир оила аъзосига 20 килодан арзон баҳода буғдой бериляпти. Шунингдек, тўй ўтказадиган хонадонларга 100 килодан ун бепул улашилмоқда. Бу ҳарна бўлсада халққа кўмакдир.

Хуржундан — гиламга

Ульянов районидаги «Пахтакор» давлат хўжалигининг Фазли қишлоғида «Сарчашма» гилам ва қолин тўқиш цехи очилди.

Илгари 12 нафар хотин-қиз хуржун, шол тўқиган бўлса, эндиликда гилам ва қолин тўқий бошлади. Аёллар бу ҳунарни Шаҳрисабздаги «Ҳужум» фабрикасидан ўрганиб қайтишган эди.

Ю. ЖЎРАЕВ,
Қашқадарё вилояти.

Анконинг уруғи ҳам бор...

Суратларда: Атлас цехининг ишчиси Назира Бўтабоева. У ҳар куни 4-6 метрдан атлас тўқишга муваффақ бўлмоқда. Жамоа хўжалиги Пахта заводи Турдиохун Қосимов ва Одил Ботировлар маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Суратқаш: Жўра БОБОРАҲМАТ

ИШЧИ КУЧИ АЗИЗ...

- *Ҳамма иш билан банд.*
- *Истиқболли корхоналар.*
- *Жамоа хўжалигидан-кооперативга.*

Қатта ҳаёт йўлига ҳар ким ўз сўқмоғидан чиқади. Бу ғоятда масъулиятли ва мураккаб жараёндир. Бу йўлда инсон тинимсиз изланади, тер тўкиб меҳнат қилади. Қийинчилик ва машаққатлар шунда аста-секин чекинаверади.

Ҳозирги мушкул вазиятдан, қаттиқчиликлардан омон-эсон ўтиб олиш чора ва тадбирларини излаётган, бу борада ютуқларга эришаётган кишиларнинг дастлабки ишлари барча учун аскотиши табиий.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ибратли тажриба—ижарачилар кооперативи фаолияти билан танишгач, хўжалик меҳнаткашлари эришаётган ютуқларнинг сирини англагандек бўлдим.

Ижарачилар кооперативи ёки деҳқонларнинг эркин уюшмаси хўжалик ишларини юритишнинг ўзига хос асосий, истиқболли усули эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Кооперация қишлоқ аҳлига ернинг ҳақиқий эгаси бўлишига ёрдам беради. Ҳозир кооперация (ширкатлар) истаган маҳсулотини етиштириш имкониятига эгадир. Айтайлик, илгарилари виждонан ҳалол меҳнат қилганлар ҳам, номигагина далага бориб қайтадиганлар ҳам бирдай ҳақ олишарди. Кооператив тузилмалар бу «тенгликка» чек қўя олди. Меҳнатга, унинг пировард натижасига қараб табақалаб ҳақ тўлаш усули кооператив барча аъзоларининг ўз вазифаларини виждонан бажаришларига, жамоадаги ўзаро ёрдамнинг кучайишига имкон яратди.

Ҳарқалай, жамоа хўжалигида бир-бирига боғлиқ бўлган иккита жараён мавжуд: Биринчидан, қишлоқ хўжалигини саноат асосига ўтказиш, яъни ҳосилни етиштириш, уни қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш бўлса, иккинчидан, мулкчилик барча шаклларининг ўзаро бирлашувидир. Бу шахсий томорқа хўжаликлари, кооперативлар, ижарачи жамоалар, кичик корхоналар бир-бирларига ёрдам қўлини чўзиб, аҳиллик билан меҳнат қиладилар, деганидир.

Лойиҳа-қурилиш кооперативининг бош мутасаддиси Муроджон Хўжаев менга ҳамроҳ бўлиб, жамоа хўжалигида амалга оширилаётган ибратли ишлар билан таништиришга бажону дил рози бўлди:

— Қурилиш корхоналари ва ташкилотларини ихтисослаштирилган кооперативга бирлаштириш, капитал қурилиш ва ишлаб чиқариш объектларини қайта қуриш, ҳажмини кенгайтириш, хўжалик қурилиш бўлинмаларини моддий техника таъминотини яхшилаш имконини бераяпти, — дея ҳикоя қилади Муроджон. — Кооперативимиз тўла хўжалик ҳисобига ўтган, у ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш усулида ишлайди. Қурувчиларга ҳақ тўлаш эса коллектив ва ижара пудрати асосида амалга оширилаяпти. Келинг, минг бора эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган наклга амал қилайлик.

Жамоа хўжалигининг ўз пахта тозалаш заводи бор. Ў ўтган йилги ҳосил — уч минг тонна пахтани қуритиш, чанг-чунгдан тозалаш, чигитини ажратиш ҳамда пресслаш каби жараёнларни бажаради. Бу ерда Сафарали Мирхонов бошчилигидаги 25 кишидан иборат кооператив уюшмаси ишчилари меҳнат қилишаяпти.

— Ҳадемай, бу ерда ёғ-экстрат заводи, ип-йигирув ва трикотаж фабрикаси ҳам ишга тушгач, 6 миллион метр чит, хонатлас, бекасам, капрон рўмоллар ишлаб чиқариш имконига эга бўламиз, — изоҳ беради ҳамроҳим. — Ёғ-экстрат заводида эса совун, кунжара, шампунь каби халқ учун зарур молларни ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Агросаноат корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ва ўзўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий йўли бўлиб қолади.

Жамоа хўжалиги раиси Турғунбой Мадиёров ижарачилар кооперативи ёки ширкатлар уюшмаси хўжалик юритишнинг энг самарали, устига-устак истиқболли усули эканлигини исботлаб берди. У киши пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирадиган якка ижарачини эмас, балки замонавий техника ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги асбобларига эга бўлган жонкуяр хўжайинлар уюшмасини афзал кўради. Раснинг фикрича,мустақил Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўли бор:

— Аввалги колхоз тузилмасида ҳозир ишлаб бўлмайди, — деди раис. — Шунингдек, меҳнатни ташкил этишнинг бугунги бозор усуллари ҳам бизга тўғри келмайди. Энг аввало, одамларни иш ҳа, фақат иш билан таъминлаш зарур. Акс ҳолда бу усулнинг жорий этилиши оқибатида ортиқча кишиларни ишдан бўшатилишига олиб келади. Меҳнат бозори деҳқонга эрк беришдан бошланади. Ер, чорва, ишлаб чиқариш қуролларни ҳақли равишда фақат деҳқонники бўлиши керак.

Раис ўзи бошчилик қилаётган хўжаликда ортиқча кишилар бўлмаслигининг тарафдори. Шу ўринда у ўзига хос йўлни ўйлаб топа олди. Халқ ҳунармандчилиги кичик корхоналарини тиклаш борасида талай ишларни амалга ошира бошлади. Атлас цехи, тикувчилик артели, матрас ва ёстиқ ишлаб чиқариш, рўмол тўқиш каби халқ ҳунармандчилиги ишларини кенг йўлга қўйди. Ортиқча ишчи кучи муаммоси бироз бўлсада ҳал қилинди. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи кичик корхоналарни кўпайтиришни талаб этаяпти.

Турғунбой ака бугунги кунда жамоа хўжалигига эмас, балки кооперативлар ва ишбилармонлар, кичик корхоналар ва ҳунармандчилик корхоналарига бошчилик қилмоқда. Раис кооператив жамоаларининг афзалликлари ҳақида тўлиб-тошиб гапиришни яхши кўради ва бу борада ҳақ эканлигини бир неча бор исботлаб берди. Дарвоқе, Мадиёров яқинда ёлланма ходим сифатида ижарачилар кооперативининг уюшмалари билан шартнома тузди. Бунда бошқарув аппаратининг вазифаси тубдан ўзгаради. У энди назоратчи эмас, балки маслаҳатчидир. Қолган масалаларни ижарачилар кооперативи жамоаларининг ўзлари ҳал этишади.

— Ким тезроқ ҳаракат қилса, ўша кишига зафар ёр бўлаверади,— дейди Турғунбой ака. — Ҳозир тезроқ кичик-кичик корхоналар очиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни имкони борича кўпроқ тайёрлаб беришга эришишимиз лозим. Ана шундагина пештахталарни зарур молларга тўлдириш мумкин бўлади.

Турғунбой ака яна бир жўяли муаммони ўртага ташлайди. У ерни якка тартибда тақсимлаб бериш зарар келтиради, деб ҳисоблайди. Чунки, сувни ислоҳ қилиш мумкин эмас, мулк эгаси сув йўлларини тўсиб қўймайди, деб ким кафолат бера олади. Бундан ташқари кичик техника асбобларини сотиб олиш масаласи ҳали-ҳамон муаммолигича қолиб кетмоқда.

Ерни ҳеч бўлмаганда кооператорлар уюшмалари ўртасида тақсимлаш тарафдори у. Чунки, бундай уюшмаларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш ишлаб чиқаришнинг демократик усулларини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшила олади.

Меҳнат бозори — иш кучи, ақл-заковат ва истеъдод эгаси бўлган ҳар томонлама эркин инсондан бошланади. Бу борада яна ишбилармонлик, уддабуронлик каби хислатларга эга бўлган, қаерда, кимга хизмат қилишни ўзи танлаб оладиган инсон бўлиб тарбияланиш мутлақо зарурдир.

Шавкат ТУРОБ,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

ТЎМАРИС АВЛОДЛАРИ

Дунёнинг ишлари ғалати-да. Кечаги гап бугуннинг тарозисини кўтаролмай қолади баъзан. Мен «аёл жамият юмушларидан толди, уни уйга, оилага бутунлай қайтариш керак» мазмунида ёзилган матбуот чиқишларини назарда тутяпман. Назаримда, бу ҳақда анча баҳсталаб, аёл фойдасига хизмат қила оладиган фикрлар кўп бўлди. Бир қанча қарорлар чиқардик. Аёл яхши бека, аёл меҳрибон она, аёл садоқатли ёр деб жуда тўғри фикрларни ўзимиз ҳам ёздик, ўқидик, маъқуладик. Лекин барибир аёл қўлисиз уй саришта бўлмаганидек, жамият иши ҳам илгарилаб кетавермаслигини ҳис қилдик.

Мен Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон тадбиркор аёллари учрашувига келаётиб, гапнинг очиғи, тадбиркорликни эркакларимиз энди ҳижжалаб турган бўлса, аёлларимизга йўл қайда деган бебош ўй-хаёлларни кўнгилдан ўтказган эдим. Лекин улар билан суҳбатлашиб, шу кунгача бажарган, режалаштирган ишлари ҳақида билганимдан кейин бебош ўйимдан уялиб кетдим.

Зиёдахоним ДАВЛЕТОВА — Туркманистон, Тошовуз «Архитектор» кооперативи раиси:

— Бу ишга киришганимга тўрт йил бўлди. Бугунги учрашувда орттирган дўстларим ҳақида ўйласам, тўрт йил ёлғизликда, осон кун кечирмаганимни биляпман. Ахир бизнинг давримиз ўз бюрократлари, таваккалчиликдан қўрқадиган эҳтиёткорлари, бировни тушуниши қийин одамлари билан ҳам машҳур бўлди десам ажабланманг. Ишларимизни йўлга қўйиб олгунча ўшанақа одамларнинг нечтаси билан айтишиб, баҳслашиб келдик.

Такрор айтаман, бу учрашувдан кўп нарса олдим. Мен бошлиқ кооператив шу кунгача лойиҳа ва қуриш ишлари билан машғул бўлган. Ўзим архитекторман. Лекин туркман гиламларимиз билан ҳамиша фахрланадиган, безакли саришта уйни яхши кўрадиган аёлман. Шунинг учун гилам тўқишни йўлга солмоқни орзу қилиб юргандим. Мана қирғиз, ўзбек дугоналарим билан хомашё масаласини ҳал қилгандек бўлдим.

Бахтигул Ғанижон қизи ҚАЖКЕНОВА — Қозоғистон, Чимкент шаҳар никоҳ идораси бошлиғи, «Оқ ўтов» фирмаси раҳбари:

— Кейинги йиллардаги бир армоним шарқона миллийликларнинг йўқолиб қолгани эди. Келин либосларимизгача европача бўлиб кетганди-да. Фирмани ташкил қилишдан асосий мақсадим шу армонни енгиш бўлди. Ҳозир бир цехда чеварларимиз ажабтовур миллий либослар тикишаяпти. Чимкентда ўзбеклар, қирғизлар анчагина. Биз шунинг учун фақат қозоқча эмас, ўзбек, қирғиз келин либослари тикишни ҳам йўлга қўйдик. Миллий урфлар, ота-боболаримиздан мерос қўшиқлар, лапарлар тарғиботи билан шуғулланамиз. Ижодкорларимиз бор.

Нурия ИМОМҚУЛОВА — Ўзбекистон, Ғаллаорол район тадбиркорлар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси:

— Аёл фақатгина меҳнаткаш, ишчи кучи эмас, ўз вақтида моҳир бошқарувчи ҳамдир. Анжуман иштирокчилари фаолияти буни далиллаб турибди. Фақат аёлга мадад берсак, ёрдам берсак бас. У ахир дунёни яратувчиси бўлган она-ку. Ундан жонсарак, фикрчан бошқарувчи нега чиқмас экан. Районимизда 70 га яқин кооператив ва кичик корхоналар бор. Уларда 1000 дан зиёд одам ишлаяпти. Тадбиркорларнинг шарт-шароитлари ҳақида ўйлашимиз керак. Биз кўп ҳолда уларнинг шарт-шароитлари ҳақида ўйлашимиз керак. Биз кўп ҳолда уларнинг давлатга тўлайдиган солиқларини ўйладигу, ўзинг қалайсан, нима камчилигинг бор, қандай ихтиролар кўнглингни банд қиляпти деб сўрамаяпмиз. Президентимизнинг янги Фармонлари бу лоқайдликларга чек қўяди, деган умиддамиз.

Робияхон ҚОДИРОВА — Тожикистон, Душанбедаги «Кафолат» кичик корхонаси бош директори:

Давр ўз кишисини ўзи кашф қиларкан. Бизнинг аёл бошимиз билан бизнесмен бўлишимиз ҳам давр тақозоси. Менга бу борадаги қизиқиш турмуш ўртоғимдан юққан бўлса керак. У киши жуда ташаббускор, изланувчан эдилар. Бир йили уйимиз учун иситиш батареялари тополмай қийналганимизда ўқиб ўрганиб, сўраб, изланиб ўз заводида батареялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандилар. Афсус,умрлари қисқа экан. Улардан ёдгор бўлиб қолган уч фарзанд билан қолдим. Уларнинг руҳи шод бўлсин учун тадбиркор бўлишга аҳд қилганман. Чунки улар доим «киши эл-юртга наф келтирмаса унинг умри умр эмас» дердилар.

Кичик корхонамиз кўнчилик билан шуғулланади. Душанбедаги «Сатурн» этикдўзларига қулинг ўргилсин тоза нав тери — хом ашё етказиб беряпмиз. Икки-уч йилдан буён бир ният кетидан югуриб юрибман. Бу ишсизлик энг кўп қийнаган Кўлоб вилоятимизда ип йигирув фабрикаси ташкил қилиш. Ростини айтсак, ҳатто тикиш-бичиш ишлари учун ип ҳам тополмаймиз. Фалон юртдан фалон сўмга ип олиб юргандан кўра, ўзимиз чиқарсак ҳам бўлади-ку. Шу вилоятдаги К. Маркс номли колхозда фабрика биноси қурилиб бўлди. Энди дастгоҳларни кўпайтиришимиз керак. Ҳисоблаб чиқсам яқин 10 миллион сўм пул керак экан. Ҳар ҳолда Тошкент бизнинг бошимизни қовуштириб жуда савоб иш қилди.

Римма МЕДЕДБЕКОВА — Қирғизистон, Бишкек хорижий валюта савдоси магазини директори:

— Ҳар қандай тараққиёт ҳамкорлик самарасидир. Мен Самарқанд сўзаналари, Андижон, Наманган дўппиларини, Тошкентдаги «Совпластитал» бирлашмаси маҳсулотларини ҳамма жон-жон деб олтин баҳосида харид қилишни биламан.

Биз азал-азалдан қон-қариндош, қуда-андамиз. Ниятимиз пок, режаларимиз эзгу экан, ўзаро олди-берди эшикларини каттароқ очишимиз керак. Мен ишлаб чиқариш бирлашмалари билан тўғридан-тўғри алоқа боғлагим келади. Ҳамжиҳатликка нима етсин.

Суҳбатдош: **Замира РЎЗИЕВА.**

Хатлар - ҳаёт ойнаси

ТЕНГДОШЛАРИМГА МАКТУБ

Йили билан бир ўй ҳеч хаёлимдан кетмайди. Пайғамбар ёшига аллақачон етган отажоним, онажоним учун нима қила олдим?! Нари борса, бўлғуси фарзандларим мен учун нима қила олади?

«Ҳаётдан мақсад нима ўзи?» — деган сийқа савол ва шунга яраша жавоб пайдо бўлади қаршимда...

— «Яхши еб-ичмак»...

Атрофга боқиб, жавобнинг нечоғлиқ ҳақиқатлигини текшираман. Ҳм, унчалик эмас. Яхши деган сўз билан имон ҳамиша бирга юриши керак. Бизда эса имонга доир китобларни сотиб (ўқиб эмас!) тирикчилик кўришади.

Яна ўша мижғов савол: яратувчиларим, сизлар учун нима қила олдим?

Уч йилдан буён толибаман. Ҳар байрамда уйга кетиш олдидан уларга нима олиб боришни билмайман. Бу ердан иқтисодий мазмун қидирманг. «Тошкент— Душанбе» поезди менинг тахбатах дўлвор соғинчларимни пинҳоний дилсаватимдаги гулларни кўтариб боради, холос...

Ҳар сафар уйга борсам отам, меҳрибон отажоним китоблар олиб қўйган бўлади: Ҳофиз, Алишер Навоий, Машраб, Нодира... Ўкинаман, ичикаман: лойиқманми фарзанд бўлишга? Виждоним пораланади: бизда «Оила» кўрсатуви бор, узлуксиз «Отаонани севинг, ардоқланг», деган қуруқ насиҳатбозликлар бор, ҳатто «Қариялар уйи» ҳам бор. Фақат такрорланишни ҳис қилиш йўқ: «Отангга сўйилган кал улоқ». сенга ҳам сўйилар кал улоқ». Агар, бизга қолса, «меҳр» деган сўз олмага айланиб, олдимизга қалқиб келса, шартта еб қўя қолар эдик. Бизга қолса, туйғулар, ҳиссиётлар моддий бўлса, уларни ҳам еб-ичсак...

Қайсар кўкайим кесилаверади, унда бир нечта мен гапиради:

— Биродарлар, яшашдан мақсад-севишдир!

— Ўлибсан, яшашдан мақсад — севилишдир.

— Бу қандай гап? Яшашдан мақсад — дилни маърифатлантирмоқдир.

— Тўхтанглар, бу масалага мен нуқта қўяман: яшашдан мақсад — инсон ўзини ўзига тушунтирмоқдир!..

— Йўқ, бу азал ва абадий мавзу барибир кўп нуқта қўйишни талаб қилаверади.

Шаҳардан қишлоққа кириб боришим билан томлар устини қоплаган қип-қиён лолақизғалдоқлар жомадонимга, эмас, суратимга ҳам эмас, сийратимга термулиб, лаб қимирлатишади: — Яшашдан мақсад ўлимни болаларингга ўргатмоқдир. Отам насиҳатлайди:— ўлим, юриб бораётган чумолига йўл бер, балки у азага шошилаётгандир. Онажоним эса мени тўққиз ой қорнида кўтариб, ўн тўққиз йил кипригимни санаб ўстирди: — Қизижон, қоғоздаги қанддек бўл!.. Бахт нима керак ўзи одамга? Нари борса, Барчин ёхуд Алпомиш бўлиш учунми?

— Тирноқларим, бахтимни сизга ўлчаб бермасин,
Берса берсин кўзимни кўкда офтоб этгулик.
Майли, Ширинникидек холни юзим кўрмасин,
Ойбарчиндек қалб берсин, Алпомишга тутгулик.
Тирноқларим, бахтимни сизга ўлчаб бермасин,
Ахир, сизда ишқ, дард йўқ, халоватхўр бўшлиқсиз.
Кўзин ёғин чақиб еб, ўсдим ота-онамнинг
Яшолмайман Ғўрўғли Ғиротига ўчликсиз...

Мен яшаётган ётоқ деразалари бу яқин орада ота-она ҳақида қўшиқ эшитаётганининг гувоҳи бўлмади. Тўғри, бу даҳшат эмас Сиз учун. Ҳатто кулгули ҳам Сиз учун албатта...

Бахт ва ёшлик ота-онани ўзингда қайта яшаш учун, такрорлаш учун керак. Табиатнинг якто қонуни Такрорланишдир. Навоий буни эврилиш деб атайди. Сиз ва мен эсак ойлаб хат ёзмаймиз уларга, телефонлашмаймиз — эринамиз... Юрак жонивор эса беҳол бўлаверади:

— Поездлар жўнаса, Сурхондарёга,
Мен сиғмай қоламан, жумла дунёга,
Отажон, мен қачон лойиқ бўламан,
Мен сизга фарзандман – деган даъвога.
Очиб қўлингизни ёруғ дуога,
Пичирлайсиз мангу нурга, ҳавога,
Онажон, мен қачон лойиқ бўламан,
Мен сизга фарзандман! — деган даъвога.
Поездлар жўнаса Сурхондарёга,
Мен сиғмай қоламан, жумла дунёга.
Дўстларим мен қачон лойиқ бўламан.
«Уларга фарзандман» деган даъвога...

Гуландом ТОҒАЕВА,
ТошДД толибаси, III курс.

Гулистон шаҳридаги «Шодлик» фотоателъеси суратгири Жумагул Қурбонова иш устида.

М. Абдумўминов сурати.

ОДОБДАН ЭМАС

— Мен баъзи касаба уюшмалари раҳбарларининг адолатсизлиги ҳақида ёзмоқдаман, — дейилади «Ишонч» ҳафтаномасига Яккабоғ районидан Н. Холмирзаев имзоси билан келган хатда. Масалан, Яккабоғ район матлубот жамияти касаба уюшмасининг раиси ўртоқ Азимов одамни алдашдан бошқа нарсани билмайди. Мен ўз маблағим ҳисобига Цхалтуба санаторийсида даволандим. Лекин йўлланма учун мен харажат қилган 575 сўм пулни у ҳозиргача тўлагани йўқ. Нега?

Ушбу хатга савдо, умумий овқатланиш ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилоят қўмитаси раиси Г. Темирова имзоси билан жавоб олдик. Унда айтилишича ҳақиқатдан ҳам Н. Холмирзаев 1991 йилнинг сентябрь ойида Цхалтуба санаторийсида 575 сўмга йўлланма сотиб олиб даволанган ва келгандан кейин касаба уюшмаси қўмитасидан шу йўлланма нархини тўлашни талаб этган. Қўмита эса тўлашдан воз кечган. Чунки Н. Холмирзаевга 1991 йилнинг февраль ойида касаба уюшмаси ҳисобидан Цхалтуба санаторийсига йўлланма берилган. 6 ойдан сўнг, 1991 йилнинг сентябрь ойида яна ўша санаторийда у ўз ҳисобидан дам олган ва касаба уюшмасидан йўлланма нархини тўлашни талаб этган.

Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш ва матлубот кооперацияси ходимлари Марказий қўмитасининг 1990 йил 11 февралдаги хатига мувофиқ меҳнаткашларнинг мустақил сотиб олган йўлланмалари нархининг 70 фоизи (120 сўмдан ошмаган ҳолда) касаба уюшмаси қўмитасининг қарорига асосан ижтимоий суғурта ҳисобидан тўланиши мумкин. Лекин бунда касаба уюшмаси қўмитасида ортиқча маблағ бўлиши ҳамда 3 йил ичида шу ходимга йўлланма берилмаган бўлиши керак. Н. Холмирзаев эса бундай имтиёздан фойдалангани учун ўзи сотиб олган йўлланмасининг нархи касаба уюшмаси ҳисобидан тўланмаган ва тўғри қилинган.

ОДАМ УМИД БИЛАН ЯШАСА...

● ИНСОН ўзининг хулқатвори, хислати, туйғулари билан бирга туғилади, деганлар минг карра ҳак экан. Очиғи, мен бу ҳикматли гапнинг ҳаётий эканлигига юз бора шубҳа қилиб, юз бора имон келтирдим. Бундан бошқа иложим йўқ. Негаки, дунё яралгандан буён яхшилик ва ёмонлик орасида кураш боради. Аммо қанча саъйи-ҳаракат бўлмасин, яхшилар камаймаяпти, ёмонлар ҳам ер юзидан супуриб ташлангани йўқ. Қайтага... Йўқ, мувозанат бузилди, яхшилар камайиб, ёмонлар кўпаймокда, дегувчиларга тан бермайман. Чунки яхшиларнинг борлигини кўриб, уларнинг қалб ҳароратини ҳис қилиб турибман.

Ҳаммада бўладиган ҳолат: баъзан мен ҳам иккита ёмонга дуч келаману, буткул тушкунликка берилиб қоламан. Қуёш юзини абадий қора булут тўсгандай, ер юзини жўжи-мўжига ўхшаш шайтон югурдаклари эгаллаб олгандай бўлади. Аммо орадан икки-уч кун ўтмай шундай бир яхши одамга дуч келаманки, гўё кўз-кулокларим, шуурим мени алдаётгандай. Лекин кўриб тураманки, у ҳақиқатан ҳам яхши одам бўлади. У билан ўтириб суҳбатлашаман, ғуборим тўкилади. Шунда беихтиёр яна ўзимга келиб, дунёда яхши одамлар ҳам кўп, дея хаёлимдан ўтказаман.

Якинда ана шундай яхши инсонлардан бири Шароф бобо Авезов билан танишиб колдим. У киши Бухоро вилояти сув хўжалиги бошкармасининг Чорбакр сув таксимоти бўлимида мироб бўлиб ишлайдилар. Мана, карийб 40 йилдирки Шароф бобо шу ердан кишиларга оби-ҳаёт улашади. У киши саховатли инсон, шунча йил ишлаб бировни кам, бировни кўп кўрмаган.

— Яхши ҳам, ёмон ҳам худонинг бандаси, ўғлим. Яхшини яхши денг, лекин ёмонни ҳадеб ёмон деявериш гуноҳи азимдир. Негаки, ёмонни ёмон деяверсанг, ўзўзидан кўпаяди.

Бу Шароф бобонинг ўгитларидан. Аммо мазкур ҳикматнинг асл моҳиятини англаб етишга, тўғриси, аклим етмайди. Чунки менга яхшини яхши, ёмонни ёмон, дейиш керак деб ўқитишган.

Шароф бобо кўпни кўрган, доноларга маълум ҳаёт ҳақиқатларини ҳам, нодонлар рўкач қиладиган акидаларни ҳам яхши биладилар. Балки у киши ҳақдир.

— Бир куни биров келиб колди, — дейди Шароф бобо. — Афтидан бойваччага ўхшайди. Ҳангома орасида «Нега бунча яхши одам, ёмон одам, деб гапни чўзасизлар. Ҳамма одам бир одам-да», деб колди. Мен ўнга айтдимки, йўк, ўғлим, ҳамма одам бир одам эмас, дунёда яхши бор, ёмон бор. Одамни кўятуринг, ҳатто бир карич ердаги тупроқ ҳам бир-биридан нимаси биландир фарқ киладди. Ҳар кимнинг зиммасига хар хил вазифа юклатилган. Яхшининг елкасига дунёни шариф қилиш, ёмоннинг елкасига тавки-лаънат юкланган. Шунинг учун ҳаллоки олам ҳам жаннатни, ҳам дўзахни яратиб кўйибди. Ҳамма одам бир одам бўлганида икки хил охиратни яратиш зарурмиди?!

Ҳикоя киладиларки, ўтган замонда бир девона, жаннатингку майли, дўзахингни нега яратдинг, деб худога шикоят килган экан. Худонинг суюкли девонаси экан-да, бўлмаса ҳадди сиғармиди. Шунда ҳаллоки олам дўзах ёмонлар учун; дея канча тушунтирмасин, девона тушунишни истамапти, «дўзахингга бархам бер», деб туриб олибди.

Кунлардан бир кун худо икки фаришгани одам киёфасига киритиб, девонага рўпара килибди. Улар эшакка огир юк ортиб келаётган эканлар, шу девонанинг олдига келганда йиқилиб тушибдилар. «Юкни эшакка ортиб бер», дебдилар девонага. Девона эса «йўк мен ортолмайман, ишим кўп», дебди. Шунда одам киёфасидаги фаришталар ҳалиги девонани роса савалашибди. Шундан кейин девона айтган эмишки «ё худойим таоло» дўзахинг ҳам керак экан»...

Шароф бобо файзли одам. У киши ариклар бош томонга таркалиб кетган ерда бунёд этган боғни кўрган киши албатта шундай фикрга келади. Негаки ёзда, баҳорда бу ерга бир келган кишининг кетгиси келмайди. Дид билан асфальтланган йўлаклар устидаги ишкомлар, ён атрофда ғарк ҳосилга кирган мевали дарахтлар кишига яхши кайфият бағишлайди. Боғдаги залдори, олма, шафтоли, анор, анжир, гилос, нок, ёнгоқ, шохтут ва бошка мевали дарахтларни бир-бир кўздан кечираркансиз, агар Шароф бобони мутлако кўрмаган ва эшитмаган бўлсангиз ҳам, бу ишлар миришкор бир деҳконнинг меҳр-муҳаббати эканлигига имон келтирасиз.

Шароф бобонинг ўзи ҳам боғидаги дарахтлар сингари сермева. У кишининг олти фарзанди, 18 нафар набираси бор. Ўғил-қизлари олий ўқув юртларини тугатишган, айримлари ҳозир ўқишни давом эттираяптилар.

Якинда яна Шароф бобо Авезов билан учрашдим. Тўғрироғи, бу гал тасодифан эмас, мен у кишининг сухбатларини кўмсаб, излаб бордим. Негаки, ён-атрофимизда бўлаётган воқеалар аклимни шоширди. Ўзимча бир ҳаққа етгандай бўлдим. Ахир атрофда ёмон одамларнинг кўпайиб бораётгани ҳар кимни ҳам ўйлатиб кўяди. Жамиятда юз бераётган бетокатлик, никобланган адолат, ҳамон косаси окармаган деҳкон... Ростини айтсам, меҳнаткаш деҳкон бизнинг шовкин-суронларимизни ҳали пинагини бузмай кузатиб турибди. Чунки бу шовкиндан ҳеч нарса чиқмаслигини билади, у бу каби шовкинларни тарихда кўп кўрган.

Шароф бобо мендаги ҳар бир ўзгаришни кафтдагидек кўриб турадилар.

— Шайтонга ҳай бергин, ўғлим. Бу машмашалар ўтиб кетади. Шуни билгинки, ҳеч качон ёмон бўлмайди, яхши бўлади. Нима бўлса ҳам, энг муҳими, худо кўзадан сувни, халтадан унни айримасин. Вакт ўтиб ёмонлар албатта забун бўлади.

Дилим ёришгандай бўлди. Бу ноиложликдан тўкилган эртакми? Йўк, чукуррок ўйлаб карасам, бу гап остида ажиб ҳикмат бор экан. Ҳа, ҳеч бўлмаса яхши ният билан яшашнинг ўзи ҳам бебаҳо хислат. Қани энди ҳамма яхши ният билан, умид билан яшаса...

Мизраб БЎРОНОВ,
Бухоро вилояти.

Биздан сўрабсиз

Саволларга ҳуқуқшунос Абдужалил ҲАСАНОВ жавоб беради.

Мен 1974 йилдан эътиборан давлат хўжалигида ишчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. 1989 йилдан ижарачи бўлиб ишладим. Ҳозир 3-гуруҳ ногиронман. Қиш кунларда биз аёлларга иш йўқ. Шу иш йўқ кунларга бекор туриб қолганлик учун иш ҳақи тўланадими? Ногиронлик нафақасини оламан.

Н. АҲМАДЖОНОВА,
Риштон районидаги «Ленинизм» давлат хўжалиги ишчиси.

Хатингизни мазмунига қараганда сиз мавсумий иш билан банд бўлгансиз. Мавсумий ишда банд бўлганлар учун муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Бундай ҳолларда бекор туриб қолганлик учун ҳақ тўланмайди.

Мен 1991 йил 4 октябрдан Ғаллаорол шўро хўжалигидаги касалхонага фаррош бўлиб ишга жойлашдим. Болаларимнинг отаси вафот қилган. Уларга бериладиган товон пулини ижтимоий таъминот бўлимидан олар эдим. Ижтимоий таъминот бўлими болаларимга 30 июнгача нафақа тўлаган, кийим пулларини эса умуман тўламаган. Касалхонадагилар эса ишга жойлашган вақтдан бошлаб товон пулини тўлашни айтиб, ҳужжатларимни олмаяпти. Қоидада бу ҳақида нима дейилган?

Х. УСАРОВА,
Жиззах вилояти, Ғаллаорол райони.

Амалдаги қонунга биноан агар болаларнинг ота-онасини ҳар иккови ҳам ишламаса, у ҳолда товон пули ва болаларнинг кийим-кечаги учун белгиланган харажатлар район ижтимоий таъминот бўлими томонидан расмийлаштирилиб тўланади. Сиз келтирган мисолга кўра ишлаб турган иш жойингиз талаби тўғри. Ижтимоий таъминот бўлими томонидан ишга киргунингизга қадар болаларга товон пули ва кийим пулини бериб туриши керак. Қолган вақтлар учун ишга кирган кунингиздан эътиборан болаларга товон пули ва кийим-кечак учун ҳақ иш жойидан расмийлаштирилиб тўланади.

Колхозда ишлаётган чорвадор колхозчилар, механизаторларга бериладиган таътил кунлари ҳақида билмоқчи эдим.

Э. ШАРИПОВ,
Сирдарё вилояти, Крупская номли жамоа хўжалиги касаба уюшмаси раиси.

Амалдаги қоидага кўра, йиллик таътил кунларининг давомийлигини касби ва лавозимига кўра жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси белгилайди. Жамоа хўжалиги аъзоларининг йиллик ҳақ тўланадиган таътил кунларининг муддати 15 иш кунидан ошмаслиги лозим. 18 ёшга тўлмаган ўспирин колхозчилар учун шундай таътил кунларининг муддати бир календарь ойга тенг бўлиши шарт.

Шуни ҳам қайд этиш керак-ки, ҳақ тўланадиган йиллик таътил кунлари қоида тариқасида хўжаликдаги мажбурий меҳнат минимумини бажарган колхозчиларга берилади. Узрли сабабларга кўра мажбурий меҳнат минимумини бажаролмай қолган жамоа аъзолари учун ҳам ҳақ тўланадиган таътил кунлари берилиши керак.

Жамоа аъзоларининг айрим категорияларига (тракторчи-машинист, оналарга, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, ўқувчи-жамоа аъзоларига) жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси қарори билан қўшимча таътил кунлари берилади.

Жумладан, давлат хўжалигининг тракторчи-машинистларига бериладиган қўшимча таътил кунлари муддати 6 иш куни бўлганлиги учун худди шу категориядаги жамоа аъзоларига (чорвачиликда машғул бўлган тракторчи-машинистларга) ҳам шундай қўшимча таътил берилиши (12×6=18) керак.

Онамиз қаҳрамон она. Отамиз ўтган йили вафот этганлар. Ижтимоий таъминот бўлимидан болалар учун нафақа тайинлашган эди. Мана ноябрь, декабрь ва январь ойлари учун нафақа ва товон пуллари келмади. Энди қаерга мурожаат қилишимиз мумкин?

М. ДАВИРБОЕВА,
Жиззах вилояти, Пахтакор райони.

Амалдаги қоидага кўра укаларингизга боқувчисидан жудо бўлганлик ҳақидаги нафақа тайинланган. Нарх-наво ошгани туфайли товон пули ҳам берилган. Афтидан нафақаларни тайинлаш ҳақидаги янги қонунни қўллаш мақсадида ҳужжатлар қайта кўриб чиқилган, шу туфайли нафақа ва товон пули тўланиши ушланиб қолган бўлиши мумкин.

Болалар учун бериладиган товон пули ва кийимлари учун ҳақ олишни онангиз иш жойидан расмийлаштириши мумкин.

Агар ижтимоий таъминот бўлимининг тутган ишидан рози бўлмасангиз, у ҳолда вилоят ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мен яқинда ходимлар сони ва штати қисқариши муносабати билан ишдан бўшайман. Бироқ 5 йилдан бери турар жой шароитини яхшиловчилар рўйхатида тураман. Айтинг-чи, мен бошқа корхонага ишга жойлашганимда турар жой рўйхатим шу ҳолича қолиб, квартирали бўлишим мумкинми?

Р. АЛИМУХАМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси уй-жой мажмуасининг 38-моддасига мувофиқ ишдан бўшаган баъзи фуқароларнинг турар жой олиш учун ҳисобда туриш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Жумладан, бўшаётган ишчи ёки хизматчи қарилик ёки ногиронлик пенсиясига чиққанда бундай ҳуқуқдан фойдаланади.

Шуни ҳам айтиш керак-ки, бўшатиб олинаётган ходимлар бошқа корхона,-ташкилот, муассасага ишга ўтганида уларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш масалалари янги иш жойларидаги маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан меҳнат коллективларининг кенгаши билан ҳамкорликда ҳал этилади. Бунда ходимнинг аввалги иш жойида уй-жой шароитини яхшилаш рўйхатида турган вақти, шунингдек, умумий меҳнат стажи ва унинг меҳнатга муносабати ҳисобга олинади.

Мен 22 йилдан бери заводда фаррош бўлиб ишлайман, 6 болам бор. 1990 йилда пенсияга чиққанман. Ҳозир директор мендан ишдан бўшайсиз, деб талаб қилаяпти. Мен ишда қолишим мумкинми?

Н. САЙФУЛЛАЕВА,
Фориш райони.

Хатингизнинг мазмунига қараганда маъмурият сиздан қарилик пенсиясига чиққанлигингиз туфайли ишдан бўшашингизни талаб қилган. Амалдаги қоидага кўра аёллар тўлиқ қарилик пенсияси ёшига етиб бундай нафақани олиш ҳуқуқига 55 ёшдан бошлаб эришадилар. Бундай ҳолда маъмурият ишдан бўшашни талаб қилишга (УзМҚМ 41 прим моддаси) ҳақли.

Сиз эса 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, 8 ёшгача тарбиялаб, 15 йиллик иш стажи билан қарилик пенсиясига 50 ёшдан чиққансиз.

Демак, сизни 55 ёшгача ишдан бўшашингизни маъмурият ўз ихтиёри билан талаб қила олмайди.

Мен Афғонистонда хизмат бурчимни ўтаб қайтган III-гуруҳ ногиронман. 1989 йилда менинг оиламга 3 хонали квартира ажратилган. Ушбу турар жой менга шахсий мулк сифатида ўтказилиши мумкинми?

Х. ХУДАЙБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти, Хонқа райони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 8 майда эълон қилган Фармонига асосан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳозирги вақтда яшаётган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартиралар уларга шахсий мулк қилиб топширишга рухсат берилган.

Демак, сиз бундай қоидадан Улуғ Ватан уруши қатнашчиси бўлмаганингиз учун фойдалана олмайсиз.

Биз турар жой шароитимизни яхшилаш учун посёлка Кенгашига мурожаат қилдик. Бундай масалалар билан шуғулланувчи инспектор сизни турар жой шароитини яхшиловчилар рўйхатига олиш мумкин эмас, чунки ҳар бир оила аъзоси учун турар жой ҳажми етарли, деди. Қонунда бу ҳақда қандай? Агар биз ер участкаси сўрасак бўладими?

М. ДАДАМЕТОВА,
Тошкент районидаги С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги.

Амалдаги уй-жой қонунига кўра истиқомат қилиб турган турар жойнинг ҳар бир оила аъзоси учун ҳажмини 7 квадрат метрдан кам бўлганда турар жой шароитини яхшиловчилар рўйхатига олинади.

Ер участкасини оилангиз учун ажратилишида ҳам турар жой шароитингиз инобатга олинади. Агар сиз посёлка Кенгашининг жавобидан норози бўлсангиз район ҳокимига мурожаат қилишингиз мумкин.

Менинг икки болам махсус кар-соқовлар мактаб интернатида таълим олар эди. Улар давлат қарамоғида ҳисобланарди. Ҳозирги кунда айрим сабабларга кўра болаларни мактабдан ажратиб олиб, уйда тарбиялаяпман. Мен уларга нафақа олишим мумкинми? Мумкин бўлса қаерга мурожаат қилишим лозим?

А. КАРИМОВ,
Чиноз шаҳри.

Амалдаги қоидага кўра, 16 ёшгача ногирон (тегишли медицина хулосасига кўра) болалар болаликдан ногирон ҳисобланади. Улар 16 ёшдан ошганларидан сўнг тегишли гурух белгиланади.

Сизнинг болаларингиз болаликдан ногирон деб топилган. Агар улар давлат қарамоғида бўлсалар, у ҳолда сиз болалар учун нафақа олмайсиз. Ҳозир сизни қарамоғингизда эканлиги ҳақида турар жойдан маълумотнома олиб, ариза билан район ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз лозим.

БЎЗ БОЛАДАЙ МЕҲРГА ЗОР

Бундан бир неча йил мукаддам бўлиб ўтган бир воқеа сира эсимдан чикмайди. Тўғрироғи, эр-хотин ўртасидаги турли жанжаллар, қўйдичикдиларни эшитсам, эридан норози бўлиб, идорама-идора ариза қўтариб юрган аёлларни кўрсам, нимагадир ўша воқеа хаёлимга келаверади.

Ушанда ўқишни битириб, чўлда ишлардим. Район янги, ишга келувчилар кўп бўлганлиги учун қурилган уйлардан бирини мослаштириб, ёш мутахассисларга умумий ётоқхона сифатида беришди. Унда асосан бўйдок йигитлар, қизлар, оиласи узоқда бўлган ёлғиз эркаклар туришарди. Тап-такир саҳро, оғир меҳнат шароити, ишдан сўнг дам оладиган на бир томошагох, на соя-салқин жой бор. Ана шундай шароитда ёлғизлик одамни не балоларга гиёрифтор қилиши мумкинлигини кўрганман. Ва шундай хулосага келганманки, жамиятимизнинг маънавий жиҳатдан айниб бораётганлигининг бош сабабларидан бири ёлғиз кишиларнинг кўпайиб кетаётганлигидир.

Эндигина уйланган ёш йигит шаҳарда ё кишлоғидан узоқ районда ишлаб, умумий ётокда яшайди. Чунки кишлогида унга иш йўк, хотинини шаҳарга олиб борайин деса уй-жой йўк. Эр сарсон, хотин сарсон. Хафта-ой ўтказиб борса, бир дунё гина-кудурат. Ёш оиланинг барбод бўлиши учун кулай мухит бу. Менинг фикримча, эрталаб уйидан чиккан эркак, албатта кечкурун уйига кайтиши керак. Ана шунда эр-хотиннинг бир-бирига меҳри бўлакча бўлади.

Эр ёлғиз, хотин ёлғиз яшашга мажбур экан, бунга сиз ва биз яшаб турган мана шу норасо жамият айбдордир.

Етоқхонада камашилик Муҳаммад исмли йигит биз билан ёнма-ён турарди. У баланд бўйли, окиш юз, чиройли йигит эди. Қурилишда прораб бўлиб ишлар, хотини, болалари бўлса-да, негадир кишлоғига кам борарди. Ёзнинг охирларида Шаҳрисабздан Фазилат исмли ўкитувчи киз йўлланма билан ишга келди. Фазилат унча чиройли эмас, кўзга ташланмайдиган оддийгина киз эди. Етокхона йигитлари, шу жумладан Муҳаммад хам дарров унга «дон сепиб» кўришди. Йўк. Фазилат улар ўйлаган кизлар тонфасидан эмас экан. Одобли, хушмуомала, очиккина. Яхши гапирсангиз ширин жавоб беради, ёмон сўз айтиб, тегажоглик килсангиз, мулойимлик билан кайтариб ташлайди.

Қисқаси, бирон йил яшганимиздан сўнг Муҳаммад билан Фазилат ўртасида самимий муносабат пайдо бўлганини кўпчилик сезишди. Мен Фазилатнинг эшикбон ёнида Муҳаммадни алламаҳалгача кутиб ўтиргани бир неча бор кўрганман. Аста-секинлик билан уларнинг муносабати жиддийлашиб бошлади. Етокхонадагилар буни ўзларича шарҳлай бошладилар. Кимдир Муҳаммад эрмак учун кўнгилхушликка юрибди-да, деса, бошка биров бир йилдан буён бирон йигитга акалли кўлини хам ушлатмаган Фазилатнинг оилали одам билан бу даражадаги муносабатини сира кабул киломласди. Чунки бир караган кишига улар бир-бирига муносиб эмасдек кўринарди. Муҳаммад ёш ва кўркам, Фазилат эса ундан катта кўринар (аслида хам икки ёш катта эди) ва кўримсизроқ. Хатто менинг ўзим хам бир марта Муҳаммаддан «Ўйланмокчимисиз?» деб сўраганман. Муҳаммад кулиб, «Йўг-е, шунчаки ўзим...» деган. Кейин маъюсланиб кўшиб кўювди; «Билмадим, нимагадир шу кизни кўргим, унинг хонасига киргим келаверади».

Биз дам олиш куни телевизор кўриб ўтирувдик. Етоқхона эшиги шараклаб очилиб бола кўтарган хушрўйгина бир жувон кириб келди. Хаммамиз унга ўгирилиб карадик. Салом-палом бермасдан шахд билан эшикбон — Зуля (Зулайхо) опага ўгирилди.

— Мен Муҳаммад ...евнинг хотини бўламан. Эшитишимча кандайдир бир мегажин (ха, у чиройли лабларини пирпиратиб айнан шу сўзни айтди) эримнинг бошини айлантириб юрганмиш.

Кейин Фазилатнинг хонасидан анча вакт унинг шангиллаган овози, кўпол сўзлар айтгани эшитилиб турди. Лекин бизнинг кулоғимизга Фазилатнинг бирон оғиз гапи чалинмади.

Шундан сўнг Фазилат бирон ой кўринмай колди. Бир окшом навбатчиликдан кайтгач, чойгумни кўтариб, овкат тайёрланадиган хонага кирсам, не кўз билан кўрайки, Фазилат лойга ботиб кетган эркаклар этигини тозаларди. Унга хайрат билан тикилиб колдим ва сўраганим шу бўлди:

— И-е, Фазилат, нима килаяпсиз?

— Саломалайкум, — деди у. Кейин кўшиб кўйди. — «Хўжайин» ичиб келибдилар...

Унинг жавоби ниҳоятда табиий эди ва мен унинг кўзларида бу юмушидан уялишни эмас, балки фахрни кўрдим.

Мен якинда Муҳаммад билан Фазилатни Қарши шахридаги болалар истироҳат боғида кўриб колдим. Улар ўғилчаларини етаклаб, сайр килиб юришарди. Йўк, мен уларга илгари эътибор бермаган эканман, улар бир-бирига жуда муносиб эдилар. Ичимда бу бахтли жуфтни чин диддан табрикладим.

Мен бу ўринда асло Муҳаммаднинг тутган йўлини—хотин, бола-чакасини ташлаб бошка аёл билан кетиб колишини ёки Фазилатнинг оилали йигитни «йўлдан уриши»ни кўллаб-кувватламокчи эмасман. Мехрнинг, аёл мехрининг кучи нималарга кодирлиги хакида фикр юритмокчиман, холос. Фазилат билибми, билмайми Муҳаммадни севиб колди. Унга бутун меҳрини бағишлади. Йигитнинг нуксонларини кўрмаганга олди. Борини оширди, йўғини яширди. Муҳаммад-чи? Ўйидан, оиласидан узоқда юрган мехрга зор йигит кизнинг қалбидан бошпана топди. Икки мехрга ташна юрак бирлашди, ковушди. Айтишади-ку: «Йигит уйда тополмаган нарсасини кўчадан ахтаради» деб.

Оддий бир журналист сифатида ҳузуримга эридан дод-фарёд килиб, арз килиб келган аёллар билан сухбатлашганда ҳамиша ўйлайман. Бир йигитнинг, эркакнинг кўнглини ололмаган, таъбир жоиз бўлса, сехрлаб ташлолмаган аёл аёлми? Йигитлар, табиатан болага ўхшайди. Уни алдаш, кўндириш осон. Эркаклар кўнглига киришнинг битта оддий шарти бор: ёстиқдошингизнан мехрингизни аяманг.

Эй, юртимнинг дилбар аёллари! Хонадонимда осойишталик, бахтиёрлик ҳукм сурсин, ҳамиша севимли ёр, бўлай десангиз, аввало ўзингиз мехрли бўлинг. Ҳар кандай майда гина-кудуратни унутиб, оилангизга, болаларингизга мехрингизни, бир оғиз ширин сўзингизни дариғ тутманг. Ана шунда хонадонингиздан файзу барака аримайди.

Т. АБДУЖАЛОЛОВ.

Хунардан унар, дейдилар. Халкимиз кадим-кадимдан бир-бирига ўрғатиб, бир-биридан ўрганиб келган. Ип йигириш бахонасида кайнона-келин мисоли она-боладай инок бўлиб кетишади.

ҲАЁТИЙ ЎГИТЛАР

● Покликка асосланган гоялар яхшилик келтирмайди.

● Ўз манфаатини кўзловчилар — нафс бандаларидир.

● Инсонда қалб, меҳру-муҳаббат, одамийлик бўлмаса, у инсонга ўхшамайди.

● Эй фарзанд, киши ҳақида ёмон ёфикрда бўлмасанг, ҳаёт сендан талаб қилган ойдиликларни бегараз адо этиб турсанг, ҳалоллик бобида пешона тердан топилган нондек азиз бўлсанг, инсонларга меҳрибонлик қилсанг, етимларга халол ош-нон берсанг — ҳадису оятларга амал қилган бўласан.

● Қуёш аслида ботмайди, инсон ҳам Қуёшдек бўлмоғи керак.

— ● Эй фарзанд, одамлардан яхшилигингни аяма, кўриб турибсан-ку, Қуёш ҳам барчадан ёруғлигини аямаяпти.

● Эй фарзанд, меҳрни дарёга соч, бир куни сенга ёмғир бўлиб қайтади.

● Оила бошига соя тушиб турганда— оила бошлигига сайру-саёҳат ярашмайди.

● Нопок бор жойда хатар бор!

* * *

Қанийди ҳақликни ўзингдан топсанг,
Сени асир қилган нафсни тепсанг.
Елгончи тилингни тандирга ёпсанг,
Ватан покланарди яхшилик сепсанг!

* * *

Туну кунда йигирма тўрт соат бор,
Яхшилик ёмонликда ҳисобот бор.
Харомнинг тагида касофат бор,
Фақат халолликка рахмат бор!

● Эй фарзанд, нима сўрасанг ҳам,
Она ердан, она заминдан сўра!

● Эй фарзанд, ўзинг Қуёш бўлмагунингча,
ўзингни ҳам, ўзганинг ҳам кунини
ёритолмайсан!

Абурахим УМАРОВ
шифокор.

— Мен бу хатни айрим оилалар, хусусан, ёшларга ибрат, сабоқ бўлар, деган ниятда сизларга ёзмоқдаман, — деб сўзини бошлабди Иброҳим ака. — Ҳар куни кечкурун ишдан ҳориб-чарчаб уйга қайтсам, ҳовли олдида болаларим худди чуғурчуқлардек мени интизорлик билан кутиб туришади. Мени кўришгач, ҳаммалари югуриб олдимга келишиб, «дадажон, дадажон!» деб бағримга отилишади. Шунда бутун чарчоқларим унутилиб, хуморим ёзилади. «Ҳаётнинг турганбитгани шодлик», деб ҳайқиргим келади. Ота-онанинг қувончи, бахти ана шу нури дийдаларимиз, бири-биридан ширин ўғил-қизларимиз эмасми, ахир?!

Умр йўлдошим келтирган чойдан ичиб ўтириб, у ёқ-бу ёқдан гаплашамиз. Кеча гап айланиб Турғуннинг оиласига тақалди.

Маҳалламизда Турғун исмли киши бор. Кўп йиллар жамоа хўжалигимизда тракторчи бўлиб ишлаган. Унинг рафиқаси Фотима ҳам ишчан, одобли ва оқила аёллардан эди. Улар жуда аҳил, иноқ ва тотув ҳаёт кечиришар, атрофдагилар «Киройи шундай яшасанг-да», деб ҳавас қилишарди. Оилада аввалига Қадам исмли ўғил дунёга келди. Тўнғич фарзанд оилани янада тотувлаштирди. Шундан сўнг бирин-кетин Орзигул, Акмал, Раъно, Рашиджон, Манзура ва Одилбеклар туғилди.

Йиллар ўтди. Бу орада ота ўзгарди. Саёқ, ичкиликбоз «улфатлар» орттириб, ичкиликка ружу қилди. Кўпинча ярим тунда уйига маст ҳолда келиб, хотини ва ўғил-қизларининг тинчини бузиб, уларни ҳақорат қиладиган, урадиган одат чиқарди. Муштипар она эса болалар бахти, келажаги, тақдирини ўйлаб барча маломатларга бардош берди. Болалари уйда йўқ пайтда йиғлаб-йиғлаб кўнглини бўшатар, кейин эса дилбандларига кулиб қарар, зарра бўлса-да, фарзандларининг кўнглини ўкситмасликка ҳаракат қиларди.

Орага маҳалла фаоллари аралашди. Барибир бўлмади. Пировардида она бечора барча жабр-ситамларни ичига ютавериб, рўшнолик келишини орзу қилавериб, адойи тамом бўлди.

«Тарки одат амри маҳол», деганларидек, энди ота ўғиллари, келинларига тинчлик бермади. Катта ўғлини ва келинини уйдан ҳайдаб чиқаришгача бориб етди. Аста-секин фарзандлар ўзлари туғилиб ўсган уйларини тарк этишди.

— Ҳаммасидан ачинарлиси шундаки, — деб йиғларди катта ўғил Қадам, — кичик укам Акмал қаттиқ бетоб бўлиб, касалхонада ётарди. Бир куни у «отамни соғиндим, чақиринглар» — деб бизга ёлворди. Йўқ, ўжар отамиз кенжа ўғлининг олдига бормади. Укамнинг дарди эса кундан-кун оғирлашиб борарди. Дард устида «отажон, отажон», деганича чор-атрофда алангларди. Ўша куни эшик томонга кўзларини тикиб, гўё ўрнидан турмоқчи бўлгандек ҳаракат қилди-ю, туролмай каравотга шилқ этиб тушди. Бу унинг сўнгги илтижоси эди.

Катта ўғил юқоридаги аянчли воқеани ҳикоя қилар экан, юм-юм йиғларди. Тошбағир ота ўғлининг ўлимига ҳам келмади. Йилларни қувиб, йиллар ўтаверди. Онаси вафот этганда кенжа Одилбек беш ойлик чақалоқ эди... Пинагини бузмаган ота тўрт нафар болалик хотинга уйланди. «Наҳотки ота оиласи, фарзандлари олдидаги бурчини шунчалик унутиб яшаса?» дея фиғони чикди Иброҳим аканинг.

Музаффар ТУРОБОВ

ОТАЛИК БУРЧИ ҚАНИ?

ФАРЗАНДЛАРГА ИНСОФ БЕРСИН!

ҚУТУБХОНА залига ёшлари етмишдан ошган, ўрта бўйли отахон кириб келдилар.

— Ассалому алайкум, азизлар,— дедилар ширинсуҳанлик билан.

— Келинг, отахон, кўринмай кетдингиз, соғлигингиз яхшими?— кутубхоначи аёл пушвоз чикди.

— Бугун бисотимдаги охирги китобимни сотдим. Турбатлик оғайним тўйга айтиб кетди. Бирор хафта туриб келаман,— дедилар бироз хўрсиниб.

— Китобларингиз... болаларингизга, невараларингизга керакмасми?— ийманиб сўради кутубхоначи аёл.

— Э, уларга китобларимма, нафака пулларим керак, холос. Ўйда жанжалсиз кун йўк. Гох гўшт, гох нон, дегандай бозорга қатнаганим-катнаган. Келинларим кўлимга қараб туришади. Дунё ташвишларидан жуда чарчадим...

Отахон ўзига китоб танлаб кутубхонадан чикиб кетди.

— Ўғил-кизларидан роҳат кўрадиган пайти отахонинг. Илойим фарзандларга инсоф берсин!— деб шивирлади кутубхоначи аёл.

КАЙТАР ДУНЁ

ЎШАНДА Тошкентда зилзила бўлган йил эди. Мукаддас Толибжонларнинг хонадонига келин бўлиб тушганига икки ой бўлуди. Қайнонаси кўйиб-пишиб:

— Кизим, мебелларингизни ҳовлига олайлик. Чинниларингизни йиғинг, синмасин,— деганди мехрибонлик билан.

Қайнонанинг сўзларида ғараз йўк эди. Ёшлигига бордими, кечкурун Толибжон ишдан келганда:

— Ойингиз мени уйдан ҳайдаяптиларми? Мебелларимни ҳовлига олиб чикиб кўярмишман. Чинниларимни йиғиштирармишман,— деди.

— Нима қилай? Онамни кўчага ҳайдайми? Пешонамда биттаю-битта онам бор. Бизга ҳам ота, ҳам она бўлдилар. Онамнинг кош-ковоғига қарайсан, тамом,— деди жахл билан Толибжон.

«Кирк йил эмас, кирк кунда кайтади», деганлари рост экан. Мукаддас ҳам уч ўғилли бўлди. Иккинчи ўғлининг тўйидан сўнг эри казо килди. Учинчи ўғлини Мукаддас ўзи уйлантираяпти.

— Болам, сиз менга ҳар калай синашта бўлиб колдингиз. Енимдаги хонага сиз кўчиб ўтинг. Янги келинни сизнинг уйингизга туширалик. Тўйгаям оз колди. Эртаиндин куда томондагилар мол ёйишга келиб қолар,— деди келинига.

Гўзал боласини кўтарганича жахл билан хонадан чиқиб кетди. Кечкурун ишдан келган эрига:

— Маҳмуджон ака, ойингизнинг бугунги гапи ошиб тушди. «Мебелингни уёкка олиб ўт, буёкка олиб ўт», деб холи-жонимга қўймаяптилар. Келинни бизнинг уйга туширармишлар,— деди кўзида ёш билан.

— Нима қилай? Отам ўлиб кетди. Пешонамдаги ёлғиз онамни кўчага ҳайдайми? Онам нима десалар — шу!— деди ўғил чўрт кесиб.

Гўзал бу ҳакда кейин эрига ортикча гапирмади.

ЕТТИ ХИЛ ОНА

АВТОБУСДА одам тирбанд. Ҳайдовчи ҳар бекатда тўхтар, лекин йўловчилар кўпайса — кўпаярдики, камаймасди. Охирги ўриндикда болали аёл ўтирарди. Бола бигир-бигир йиғлар, йўловчиларнинг нигохи уларга кадалганди. Аёл канча уринмасин, бола хеч овунмасди.

Хайдовчи йўлда тўхтаб чипта сотди. Бекатдан яна болали аёл чикди. Ёш йигит жой берди. Нотаниш аёлнинг йиғлаётган чакалокка рахми келди шекилли:

— Сув берасизми? Сув ичиси келаётгандир,— деб сумкасидан шиша идишини олиб аёлга тутказди.

Бола барибир кўнмади.

— Калин кийинтирибсиз-ку! Болангиз исиккка чидолмай йиғлаётгандир,— деди бошка бир аёл.

Автобус йўлида давом этди. Лекин бола йиғидан тўхтамасди. Токати ток бўлган она боласини тарсакилаб уриб юборди.

— Падарингга лаънат. Итдан таркаган қурбонликка ярамас. Отангга ўхшамай ўлгур,— деди ўшкириб.

— Бола-да, ҳархаша қилади. Урманг,— деди йўловчилардан бири.

Автобус охирги манзилга якинлашаяптики, боланинг йиғиси босилмаяпти. Аёл яна тарсаки туширди.

— Овозинг ўчгур, конимга ташна килдинг-ку. Каттанам кўчага чикдим сен билан,— деди аёл асабийлашиб.

Айтишларича, дунёда етти хил она бор экан. Булбул ҳам, загча ҳам, бугдой ҳам, арпа ҳам она экан.

Ўрозгул АҲМЕДОВА.

Кадаминг дадил бўлсин.

Павел — Худойберган

Қош қорайгач, онанинг тинчи бузилди. Кундузи невараларининг шовкин-суронн билан хеч нарсани билмаган экан. Келининнинг ишдан кайтганига анча бўлди. Нечун ўғлидан хамон дарак йўк. Ишдан кейин тўғри уйга келаверса нима киларкин, ўзича койирди ўғлини Раҳима хола.

Ниҳоят овкат пишар маҳал кўчадан ўғлининг қадам товуши эшитилди. Раҳима хола сергакланди:

— Қаерларда юрибсан, кўзим. Бирпасда хаёл-аллақаёкларга олиб кетди-я. Айтмай кетиш одатинг йўк эди-ку.

— Шеригим Турдибойнинг трактори юрмай колса бўладими? У ерини, бу ерини ковлав кўрдик, бўлмади. Охири судрав устахонага оборишга тўғри келди. Ўша ерда колиб кетдик.

Раҳима холанинг фарзанди атрофида бунчалик гирдикапалак бўлишининг боиси бор эди, албатта. Эр-хотин салкам йигирма йил ширин турмуш кечиришди-ю, аммо фарзанд кўришмади. Йиллар ўта бергач, Раҳима холанинг шўхликлари ўрнини кандайдир бир туманлик коплади. У кундуз кунлари ишдан ташқари ювонарди-ю кечкурунга келиб ёлғизликни кўтаролмасди. У ўзидаги нокулай ҳолатни турмуш ўртоғига билдирмасликка минг уринмасин, барибир Машариф ака дарров сезарди.

Яхшиси сиз уйланинг, мен шу уйнинг чўриси бўлай, — деди бир куни Раҳима хола. — Мени деб бефарзанд ўтманг.

— Ҳали шунга хафаман дегин, — юпатган бўлди уни Машариф ака. — Бекорга ўзингни қийнама. Бизнинг ҳам бир кун бўлмаса, бир кун фарзандимиз бўлиб қолар. Ўн-ўн беш, ундан ҳам кўпроқ йиллар яшаб кейин ўғил-киз кўрганлар озмунчами? Бўлмаса асраб оламиз.

Машариф аканинг кейинги гапи Раҳима опага маъкул тушди. Ўша кезларда эски Тўрткўл шаҳрини Амударё суви босиб болалар уйи Шўрахон посёлкасига кўчириб келтиришганди. Унда урушда ота-онасини йўкотган турли миллат болалари тарбияланарди. Машариф аканинг хонадони посёлкага якин бўлгани учун ҳам у болалар уйига тез-тез борар, бир-биридан ширин ўғил-кизларга завк билан бокарди.

Павел исмли бола Машариф акага айниксa жуда ёкиб колди. У кўшниси Солия опа-никига келганида ўғли Кодирберган билан бирга ўйнарди. Болалар бозор кунларн Қизилкумга ва кўлларга чиқаб мол бокишарди.

Машариф аканинг қалбида бу хушфеъл, сергайрат Павелни ўғил қилиб олиш истаги пайдо бўлди. Кўнглидаги гапни Раҳима опага айтганида у ҳам жону дили билан розилик берди.

Машариф ака бир куни Павелни яна Солия опа хонадонида учратиб, секин ёнига чакирди-да сўради:

— Ота-онанг борми, ўғлим?

— Йўқ, амаки, ота-онамни кўрган эмасман. Урушда ўлиб кетган, дейишади.

— Ҳа, шундай дегин... Бўлмаса менга ўғил бўлакол, — деди Машариф ака анча жимликдан сўнг.

Павлуша ўйланиб колди.

— Хўп дейвер, ўғлим, амакинг жуда яхши одам, — деди бир чеккада уларни кузатиб турган Солия опа. — Жўранг билан ёнма-ён бўласизлар. Бирга ўйнаб, бирга мактабга қатнайверасизлар.

Машариф ака хужжатларни расмийлаштиргач, Павлушани болалар уйидан ўз уйига олиб келди. Кўп ўтмай дўст-ёр, қариндош-уруғ, элэлатига ош берди. Павлушанинг суннат тўйини қилди. «Павелни бизга худо етказди», дея унга Худойберган деган исм кўйишди.

Худойберган Машариф ака билан Раҳима холанинг тукканидан аъло фарзанд бўлиб чикди. Ўзбек хонадонида тарбияланиб, камол топди. Мактабдан келди, дегунча сигирлар, бузокларга қарар, сув келтирар, ота-онасига бокишарди. Пушкин номли ўрта мактабнинг саккизинчи синфини тамомлагач, касалванд бўлиб колган онасининг кўлидан ишини олди. Далада ишлай бошлади. Шунда тракторчи Жумабой ака ёнида кўп бўлар, унга ёрдамлашишни хуш кўрарди. Ундаги техникага бўлган ҳавас 1959 йил шаҳардаги механизаторлар тайёрлаш курсига етаклади. Ўша йили курсни муваффаиятли тамомлаб, Жумабой Сафоевга сменадош бўлди. У устозидан техникани яна ҳам пухта ўрганиб олди.

Шундан буён Худойберган Машарипов Димитров номли жамоа хўжалигининг 4-бригадасида донгдор тракторчи. Пахтани ўзи экади, ўзи чопик килади, хосилни даладан бригада хирмонига, бригада хирмонидан пахта тайёрлаш пунктига элтади. У ўзининг халол меҳнати туфайли элда катта обрў ортдирди. Мукофотга «Москвич» енгил машинаси олди,

Ўзбекча урф-одатлар Худойберган турмушига сингиб кетган. Ахир у ўзбек кизига кўнгил кўйиб Исмонл боббонинг Бибижон исмли кизига уйланди. Уларнинг хозир ўн нафар фарзандлари бор. Катта кизи Дармонжондан ва ўғли Комилжондан набира ҳам кўришган.

Машариф ака уч йилча бўлди, бандаликни бажо келтирди. Раҳима хола хозир нафакахўр. Ўғли ва келин уни ўтказгани жой топишолмайди. Кўлини совук сувга урдиришмайди...

Оллоберган ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тўрткўл райони.

Адолат тарозиси

Ёзувчи Файзулла ҚИЛИЧЕВ 1947 йилда Сурхондарё вилоятининг Бойсун районида туғилган. 1971 йилда Тошкент Давлат Доирилфунуни ҳуқуқшунослик куллиётини битиргандан бери прокуратура органларида ишлаб келаяпти. Ҳозирги кунда республика прокуратурасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлайди.

...БОЛАСИНИ ҚЎРМАГАН ҚИМ БОР?

Бу — мақола ҳам, ваъзхонлик ҳам, ҳикоя ҳам эмас. Бу — турли сабабларга кўра ота-она меҳридан жуда бўлган ёхуд маҳрум қилинган болалар уйларидан биридаги тарбияланувчилар билан ўтказган бир соатлик дарсим хотираларидир. Хотира деб бекорга айтмаяпман: менинг хотирамга улар маҳкам ўрнашиб қолди.

Воқеа бундай бўлган эди: мен болалар уйида тарбияланаётганлар билан учрашишни кўпдан бери кўнглимга тугиб юрган эдим. Вазият тўғри келди-ю, мактаб раҳбарлари менга ҳеч қандай монеликсиз, бир соат вақт беришди.

Синфда 10—12 яшар ўғил-қизлар жуфт-жуфт бўлиб ўтиришарди. Одатдаги мактаб синфларидан ўзгачароқ вазият дарҳол кўзга ташланди. Балким мени бу ерда етим ва тирик етимлар ўтиришибди деган ҳиссиёт қамраб олганлиги учун ҳам шундай туюлгандир.

Хуллас, суҳбатлашиш анча оғир кечди. Ҳазил-мутойиба қилишимни ҳам, латифа айтиб беришимни ҳам, кувноқ ва жўшқинроқ сўзлар айтишимни ҳам билмай қийналардим. Сўнг ўйлаб гўриб «таклифим бор» дедим. Уларга эркин мавзуда иншо ёзишни, у хат, хотира, ички кечинма, кўрган-билган, қизиқтирган воқеалар тарзида бўлиши мумкин эканлигини уқтирдим. Дарс сўнггида «иншо»ларни йиғиштириб олдим. Сўнг «ҳижжа»лаб ўқиб чиқдим-у, хаёлга чўмдим. Ниҳоят, мақола ёзмоқчи бўлдим. Аммо на бир фикр келади, на сўз қовушади.

Ўйлай-ўйлай айрим «иншо»лардан парчаларни қандай бўлса, шундайлигича сизларга ҳавола қилишга қарор қилдим. Улар таҳлил ҳам, изоҳ ҳам талаб қилмайди, назаримда ўқиб чиқиб бунга сизнинг ҳам имонингиз комил бўлишига аминман. (Фақат тушум ва қаратқич келишиги талабига сал-пал мосладим, кичик жузъий хаталарини тўғриладим, холос).

АКРОМ П: «...Отамнинг юз қиёфаларини эслай олмайман. Шляпа, галстукли, оқ кўйлак киярдилар. Яна... ярқироқ туфлилари бўларди. Сўнг йўқолиб қолдилар. Уйимизнинг ҳамма хоналарини бирма-бир ахтариб чиқар эдим. Деразага осилиб кўчага қарардим. Ҳеч тополмасдим. Кейин ойим касал бўлиб, ўлиб қолдилар. Шундан буён «детдом» да яшайман. Аҳволим яхши. Аввал кўп йиғлар эдим. Ҳозир ҳечам йиғламаяпман. Лекин кўп туш кўраман.

Отамни, ичимда сўкиб, ёмон кўриб юрсам ҳам барибир, нимагадир соғинаман, кутавераман. Кўча-кўйда, мактабда, шляпа, оқ кўйлак кийган ва галстук тақканларга кўзим тушса, ҳаяжонланиб кетаман. Оёқ-қўлим титрайди. Уларга ўғринча тикилавераман: «Отам эмасмикин?..» Яқинда бизни ҳайвонот боғига олиб боришди. Ўртоқларим ҳайвон-қушларни роса томоша қилишди. Мен эса... бир шляпалик кишининг 4 та болаларини етаклаб, айланиб юришини «мириқиб томоша» қилдим. Уни дадамга жуда ҳам ўхшатдим. Дарвозадан чиқиб машинага ўтириб жўнаб кетганларида ҳам дарахт ортида паналаб кузатиб турдим...»

МАРДОН А: «...Ҳар кимни отаси ёки онасига ўхшаш бўлади, дейишади. Мен уларни мутлақо билмайман. Лекин (фақат кулманг) бир нарса менга аён: Уларнинг қайсисидир қулоғи катта одам бўлган. Чунки менинг ҳам қулоғим катта. Ўртоқларим шундай аёл ёки эркакни кўриб қолишса, мени масхара қилишиб «ана отанг, ана онанг!» деб кулишади. Жаҳлим чиқиб улар билан ёқалашаман. Аммо... Ўзим ҳам ана шундай одамларни зимдан кузатиб юраман... Муаллимимиз Шоназар ака бўлар-бўлмасга қулоғимдан чўзаверади. Илтимос, айтинг, бундай қилмасин. Бошқаларни жазолагани каби, шапалоқласа ёки линейка билан урса ҳам майли. Аммо, шундай ҳам катта қулоғимни янаям катта қилиб қўяяпти. Майли, сочим ўсгач ёпиб юраман: Шунда мени «лакатор» дейишмай қўйишади...»

ХАДИЧА Б: «...Мени ҳеч ким сўроқлаб-кўргани келмайди. Дугонам Иқболани онаси эса ҳар ҳафтада келиб кетади. Уларнинг бир-бирларини бағрларига тортиб ўтиришлари, ўпишганлари, силаб-суйкалишганларини пойлаб, кўриб оламан. Айланиб юришса яқин — атрофидан кетмай кузатиб юраман. Унга ҳавасим келади. Иқболадан «дугонажон» ойинларга айтгин, мени ҳам кучоқлаб ўпсинлар. Менинг у кишини бир марта бўлсаям қучоқлагим, ўпгим келаяпти. Сўнг... икковимиз бирга чопқиллаб чиқиб кутиб олиб... бирга кузатиб қўярдик» деб сўрайман дейман-у, ҳеч айтаолмаяпман. Лекин, барибир пайт пойлаб айтаман. У «йўқ» демайди, жудаям яхши қиз...»

АЛИЖОН В.: «...Бувимни эслайман. Шундай меҳрибон эдилар-ки! Бир кун кечаси уйимизга кўп одам келди. Мен ухлаб қолган бўлсам керак, ҳеч нарса ёдимда қолмабди. Эрталаб ҳалиги одамлар бувимни чақалоқни ўўргаклагандек қилиб оқ матога ўраб олиб чиқиб кетишди. Хотинлар йиғлади. Кейин билсам бувим ўлиб қолган ва уни кўмишга олиб чиқиб кетишган экан. Шундан сўнг болалар уйидаман. Ўрганиб кетдим. Барибир... бувим яхши эдилар, қучоқлаб олиб ётардилар...».

ГУЛНОРА Д: «...Дадам ҳам, ойим ҳам яхши эдилар. Уларни суд ажратиб юборди. Қап-катта одам-судья бўлатуриб нукул бошқаларнинг гапини эшитди. Дадам билан ойимга қараб гаплашди. Мен эса ойимнинг этагини чангаллаганимча суд амакига тикилиб турдим. Менга қараб қолса, унга «ажратманг уларни, иккови ҳам шундай меҳрибонлар-ки» деб қўлим билан имо қилмоқчи эдим. Бир марта ҳам менга қарамади. Ёмон одам экан, у...».



ЖОНЗОҚ Э: «...Ойим онда-сонда келиб хабар олиб турадилар. Менга суратларини ҳам совға қилдилар. Ҳар доим ёстиғим тагида туради. Дадамни эса ҳеч ҳам кўрмаганман. Одамларнинг айтишига қараганда мен ойимга ўхшамас эмишман. Буни ўзим ҳам биламан (суратлари билан солиштириб кўрдим). Демак, дадамга ўхшайман. Уни баланд бўйли, жингалак қора сочли, ўнг юзида холи бор киши сифатида тасаввур қиламан. Чунки ўзим шунақаман-да! Лекин... менга ўхшасалар соғинишлари керак эди-ку, бошқача бўлса керагов, деб ўйлаб қоламан...»

БОБОХОН Г: «...Кеча бир кампирнинг тугунини қўлидан олиб, етаклаб кўчадан ўтказиб қўйдим. «Раҳмат, болам, кимнинг ўғлисан?» деб сўрадилар. Нима дейишимни билмай, туриб қолдим. «Нега жавоб бермаяпсан» деб тағин сўрадилар. Шунда мен «Карим аканинг» дедим. У киши бизда коровул бўлиб ишлайдилар. Менга доим «ўғлим» деб мурожаат қилганлари эсимга тушгани учун шундай дедим.

Кампир «отангга раҳмат!» дедилар. Хуллас «отангга раҳмат»ни кўп эшитаяпман. Ногаҳон бирортаси Карим акадан сўраб қолса-ю, у киши ёлғонимни фош қилиб қўйишидан қўрқаман. Ё огоҳлантириб қўйсаммикин? Лекин қандай қилиб?...».

ҚОДИР Д: «...Дўстим Абдулла билан ҳар доим дардлашиб қолсак, ёшлигимизда қарамаган (ташлаб кетган) ота-она катта бўлганимизда нима кераги бор» деган мазмунда гаплашардик. Бир гал мен касал бўлиб иситмалаб қолганимда, алаҳсираб «ойи, дада!» деб чақирганмишман. Абдулла буни айтиб устимдан «кулиб» юрди. Сўнг уни машина босиб кетди. Касалхонада ётганида охирги сўзи отажон, онажоним, қаттиқ оғрияпти!» эди.

Сўнг ўлиб қолди».

ШАҲЛО Ж: «...Ота-онамни хиёл эслайман. Яхшиямки расмлари қолган. Уларни қўлимга оламану умрларининг сўнгги дақиқасидаги қиёфалари кўз олдимга келади. Аммо... қотилларнинг башараси шундоққина кўз олдимда турибди. Прокурорлар нега уларни ҳанузгача ушлаб, жазоламаяптилар? Ахир улар бошқа болаларни ҳам етим қилиб қўйишлари мумкинку? Баъзан ўзим чиқиб, кўча-бозорларни айланиб уларни ахтаргим, учратиб қолсам одамларни чақириб «ана» ота-онамнинг қотиллари, ушланглар!» дегим келади. Афсуски, рухсат бермайдилар...»

НАРГИЗА С: «...Қаттиқ шамоллаб, иситма чиқариб ётганимда Ҳуррият хола бағрларига олиб кучоқлаб ётдилар. Юрак уришлари, қўйинларининг ҳарорати бирам ёқимли эдики! Улар менга таниш туюлди. Олдин қачон ва кимда учратган эканман бу тафтни? Ёки илгари ҳам у киши бағрларига олганмикин? Кўрсам, ёнларига югураман. Уларни қучоқлагим, бағрларида узоқ-узоқ ўтиргим келаверади...»

ШОДИ Р: «...Мен суратларни жуда ёқтираман. Ўртоғим Самариддинда суратлар жуда кўп. Кўпчилигида уни кимдир опичлаб олган ёки елкасидан кучиб турган бўлади. Менда эса бунақасидан бирорта ҳам йўқ. Ҳар гал суратга тушсак, мени туя, шер, маймун ва бошқа ҳайвонлар билан расмга олишади. Анув куни суратчи амакига мени ҳам бирорта амаки ёки хола билан суратга туширинг десам, кулиб қўйди холос. Катта бўлсам албатта сураткаш бўламан...»

ХОТАМ А. «...Ойимларни туғилган кунларида, кейин 8-мартда доим табриклар эдик. Мана икки йил бўлибдики, уларга атаб совғалар тайёрлаб юрибман. Анча йиғилиб қолди. Лекин... ойим келмай қўйдилар. Қаёқда юрган эканлар-а? Ёки касал бўлиб қолдимикан? Ахтариб борай десам, адресларини билмайман. Сўрасам... ҳеч ким билмайди. Лекин, барибир совға йиғавераман...».

ХОТИРАЛАР... Уларда дунёга келиб рўшнолик кўрмаган болалар дарди тўкиб солинган, ота-она меҳри, соғинч етишмай қийналган юракчаларнинг дуқиллаши акс-садо бериб турибди. Булар бизнинг — мустақил Ўзбекистонимизнинг даво талаб дардларидан биридир. Етимлар ёки етимликка «маҳкум» қилинганлар сони бугунги кунда тўртинчи мингликни кўрсатиб турибди. Демак шунча «яра»миз бор. Уларни, «тиқ» этса эшик пойлаб турган минглаб мурғакларнинг қора кўзларини эсдан чиқармайлик, бандаи мўминлар!

Мен ушбу сатрларни қоғозга туширраётган пайтимда бу «иншо»лар муаллифлари қиёфасини кўз олдимга келтириб, улар нигоҳидаги мунгли «сўз»ларни такрор «ўқиётган» эдим. Уларнинг ҳар бири атоқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг «Етимлик нимадир, бизлардан сўра!» сатрини такрорлаётгандек эди. Бирдан хаёлимни пастда бола етаклаган тиламчи аёлнинг дийдиёси бўлди: «Отасин кўрмаган ким бор? Онасин кўрмаган ким бор?»

Унинг ноласини тинглаб туриб «Боласин кўрмаган ким бор?..» деб кўшиб қўйдим ичимда...

Агар ушбу чизгиларим газета юзини кўрадиган бўлса, қалам ҳақини болалар жамғармасига ўтказишингизни сўрайман.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ.

Жамғарма Банки

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ҳужжатлар ва қимматбаҳо буюмларни қаерда бехавотир сақлаш мумкин! Ўзбекистон Республикаси жамғарма банкининг Тошкент банкидаги алоҳида пўлат сандиқларида

Бунда қуйидаги афзалликларга эътибор беринг:

Сизга омонатнинг сир тутилиши ҳамда сақлаш учун қабул қилинган қимматбаҳо буюмлар ва ҳужжатларнинг йўқолмаслигига кафолат берилади,

омонатни сақлаш муддатини ўзингиз белгилайсиз,

Сизнинг истагингизга биноан пўлат қутига дастлабки омонатни нотариус тасдиқлаган ишонч қоғози бўйича ишонч билдирган шахс ҳам қўйиши мумкин;

сақланаётган қимматбаҳо буюм ва ҳужжатларни Сиз бир ёки бир неча шахсга улар ворис ёки ворис эмаслигидан қатъий назар нотариус тасдиқлаган васиятнома орқали мерос қолдиришингиз мумкин;

пўлат қутининг ижара ҳақи шартномавий нархларда, қутининг каттакичиклигига ва ижара муддатига қараб олинади.

Тошкент банкининг якка тартибдаги пўлат сандиқларидан Сиз қуйидаги бўлимларда фойдаланишингиз мумкин:

Сергели бўлими — 4-Сергели мавзеси, 31 «А» уй.
телефон: 58-15-69
Чилонзор бўлими — Ян Рудзутак кўчаси, 1 «Б» уй.
телефон: 53-87-06.

Батафсилроқ маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 33-51-95; 33-78-02

Иш ҳақингизни жамғарма банки муассасалари орқали олиш Сиз учун фойдалидир!

Сизнинг истагингизга кўра иш ҳақингиз республика Жамғарма банкининг хоҳланг турар жойингиздаги, хоҳланг иш жойингиздаги ҳар қандай муассасасида очган омонат счётингизга ўтказилиши мумкин.

Омонатдаги пуллар Сиз учун қулай бўлган вақтда тўлиқ ёки бўлиб-бўлиб берилади.

Ўз вақтини қадрлайдиган кишилар учун, Ўзбекистон Жамғарма банки Сизнинг омонат счётингиздаги маблағ ҳисобидан бир марталик тартибда ёки узоқ муддатли топшириққа кўра уй, газ, электр энергияси, телефон, болалар муассасаларида болаларни боқиш ҳақини нақд пулсиз тўлаши мумкин. Топшириқни расмийлаштириш учун бланкаларни Сиз республика Жамғарма банкининг барча муассасасидан олишингиз мумкин.

Сиз ўз жамғармангизни нақд пул билангина эмас, пул ўтказиш йўли билан ҳам кўпайтиришингиз мумкинлигини биласизми!

Бунинг учун Сиз ўзингиз ишлайдиган корхона, ташкилот ёки жамоа хўжалиги бухгалтериясига ўз пул даромадингиздан маълум қисмини омонат счётига ўтказиш тўғрисида ариза беришингиз керак.

Сиз иш ҳақингизни, пенсиянгизни, бир марта тўланадиган мукофотни, узоқ вақт хизмат қилганлик учун тўланадиган қўшимча ҳақларни, шунингдек суғурта маблағларини, давлатга сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун тўланган ҳақни, воситачи дўконлар орқали сотилган нарса ва буюмларнинг пулини ўз омонат счётингизга ўтказишингиз мумкин.

Биз Сизга шахсий бюджетингизни тўғри шакллантиришингизда, даромадларингиздан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишингизда, вақтингизни тежашда, энг асосийси — нақд пул билан боғлиқ ташвишлардан қутулишингизда ёрдам берамиз.

Жамғарма банкининг сертификатлари — эгасининг номи ёзилмайдиган қимматбаҳо қоғоз.

Сертификатлар пул маблағларини 10 йил мобайнида сақлаш ва қанча муддат сақланганлигига қараб дифференцияли даромад тўлаш учун мўлжалланган. Агар 10 йиллик сақлаш муддатига амал қилинса, йиллик 10 фоиз даромад ҳисобидан тўланади.

Сертификатлар эркин сотилади ҳамда сақлаш учун қабул қилинади. У Ўзбекистон Республикасида сотиб олинган бўлса Паспорт тақдим этилгач республика жамғарма банкининг барча муассасаларида монеликсиз пулга алмаштириб берилади. Сертификатнинг пулини олаётганда унинг эгаси шу пулга янги сертификат харид қилиши ёки олган пулини ҳар қандай омонат турига қўйиши мумкин.

Сертификатлар — пул маблағларини узоқ вақт сақлашнинг қулай шакли!

Бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.
Банки НИНГ

Сайхун — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ХЎЖАЛИКЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА

«САЙХУН» ноширлик, реклама ва тижорат фирмаси ўзининг қуйидаги хизмат турларини таклиф этади:

реклама (район, вилоят ва жумҳурият рўзномаларида);
— **фото (буюртматалар бўйича);**
— **рассомлик** хизмати (барча турдаги);
— **халқ амалий санъати.**

Бозор иқтисодиёти шароитида ишим бароридан олсин десангиз, «САЙХУН» фирмаси билан ҳамкорлик қилинг. У Сизни доғ қолдирмайди— ишончли ҳамкорингиз бўлади.

Манзилимиз: 707000. Гулистон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси-30. Матбуот уйи, 1-қават.

ИШОНЧ

КОРХОНА, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАР, КИЧИК КОРХОНА, ШИРКАТЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ишонч» ҳафталик газетасида ўз эълонлари ёки тижоратларини чоп этмоқчи бўлганлар ҳар куни соат 15 дан 18 гача «Правда Востока» кўча 24 уй 5 қават,66-хонада жойлашган «Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими қабулхонасига мурожаат қилишлари мумкин.

Корхона ва муассаса, ташкилот ва ширкатларни кафолатли хатлар билан, шахсий эълон берувчиларни эса паспортлари билан келишларини сўраймиз.

Улар диққатига тижорат ва эълонларнинг бир квадрат сантиметр жой учун

Ички бетларда босилса — 13 сўм 50 тийин;
Сўнгги саҳифада — 15 сўм 00 тийин;
Шахсий эълонларга — 10 сўм 50 тийин;

Таъзияномалар учун эса — 15 сўм 00 тийин маблағ тўлашларини эслатиб ўтишни маъқул кўрдик.

«Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими.

«Наманган» товар-хом ашё биржаси.

Суратчи И. АЛИМОВ

Нуқтаи назар

САВДОГАРЛИК ҲАМ КАСБ

Олиб сотарликка карши курашни кучайтириш бўйича собиқ Коммунистик партия ва Совет давлати қабул қилган конуну қарорларнинг санаб саноғига етолмайсиз. Нимага олиб сотарлик йўқ бўлиб кетмади?

Ўзи Октябрь инқилобигача олиб сотарчилик бўлганмиди?

Бу саволларга жавоб излаб кўп одамлар билан суҳбатлашдим.

Ичанқалъадаги савдогарларнинг расталари жойлашган обидаларни кўриб юқоридаги саволларга жавоб топгандай бўлдим. Айтишларича савдогарларни хонлар ўз ҳимояларига олишган, турли элларнинг савдогарларини қабул қилганлар, улар олиб келган моллар савдосини ташкил қилишга кўмаклашганлар. Савдогарлар ҳам ўз навбатида хон хазинасига белгиланган миқдорда бож, солиқ тўлаб турганлар. «Буюк ипак йўли» ҳам асосан савдогарларнинг йўли бўлган.

Инқилобдан сўнг мамлакатда савдогарчилик касби йўқотилди, у хуфия шаклга ўтди. Майда олиб сотарчилик авж олди.

Менинг фикримча, ҳозир Ўзбекистонда савдогарчиликни (купец, лекин спекулянт, чайқовчи, олиб сотарликни эмас) касб даражасига кўтариш лозим, яъни савдогарчиликни очиқ йўлга қўйиш керак. Давлатимиз шундай қарор қабул қилиши керакки, бундан республика хазинаси ҳам, истеъмол бозори ҳам, аҳоли ҳам манфаатдор бўлсин. Бу қарорда савдогарчиликнинг шартлари аниқ кўрсатилиши керак. Асосий шарт шундан иборат бўлмоғи керакки, савдогарнинг дўконида фақат республика ташқарисидан келтирилган, ўз юртимизда ишлаб чиқарилмаган товарлар сотилмоғи керак. Марҳамат қилиб ўша буюмнинг баҳоси ёзилган ёрлиғи ҳам албатта ўзида бўлсин. Шунга қараб харидорлар савдогарнинг қанчалик инсофли эканини баҳоласинлар. Ҳозир давлат дўконларини қоровуллаш ташкил қилинганидек, уларнинг расталарини ҳам кўриклашни ташкил қилиб бориш лозим.

Маҳаллий бошқарув идоралари томонидан савдогарни рўйхатга олиниши ва ҳар ойда тегишли миқдорда бож, солиқ ундириб борилиши айни муддаодир. Ана шундагина бошқа эллардан маҳсулот олиб келиб сотиш давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам фойдали бўлади. Турли маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёж анча қондирилади, истеъмол бозоридаги кескинлик юмшайди, нарх-наво пасаяди.

Шихназар АҲМЕДОВ,
журналист.

Пири бадавлат отахонлар.

Воҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

МАЪМУРИЯТ БИЛАН БАМАСЛАҲАТ

ҚУВА шаҳар меҳнаткашлари Соқижон Норалиев бошчилик қилаётган «Нафосат» кичик корхонаси хизматидан мамнунт бўлмоқдалар. Уч юз нафар тикувчи ва сартарошларни брлаштирган бу хусусий корхонада ойлик маошлар ҳам бир ярим-икки баравардан зиёд кўпайган. Бу тажрибани энди бошқа соҳаларга ҳам ёйиш чораларини кўраяпмиз.

Тошлоқ районида ҳам бу борада яхши ишлар қилинмоқда. Районда саноат комбинати очилди. Маҳаллий саноат бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бундай комбинатлар ҳозир 16 жойда ишлаб турибди. Уларда меҳнат қилаётган салкам ўн минг киши халқ учун зарур бўлган истеъмол молларини ишлаб чиқармоқда. Шўрсувдаги халқ истеъмол моллари фабрикаси тайёрлаётган гилам ва шарфларга талаб катта. Вилоят маиший техникани таъмирлаш бошқармасида ташкил этилган фирмада етти юздан зиёд киши халққа хизмат кўрсатмоқди.

Фарғона шаҳрида жамоа мулкига айлантирилган «Чевар» кичик корхонасига ҳам етти юз нафар малакали чеварлар бирлашганлар. Корхона касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Галина Кеперованинг куч-ғайратлари билан тузилган жамоа шартномасига ишловчиларнинг иқтисодий ҳимоясидан тортиб, турар жой, меҳнат муҳофазаси каби масалаларгача киритилган. Белгиланган тадбирларнинг асосий қисми бажарилди. Янги йил учун тайёрланаётган шартномада меҳнат кишисининг оғирини енгил қилиш учун янги бандлар киритилмоқда.

Қўмитамиз ўз ваколатидаги ҳуқуқларни ишга солиб, касаба уюшмасининг обрўсини тобора кўтараётган бошланғич ташкилотларнинг тажрибасини кенг ёймоқда. Бизда маъмурият билан ёнма-ён, бамаслаҳат иш олиб борувчи жамоат ташкилоти анчагина. Улар иноқлик билан мўлжалдаги барча ишларни тўла-тўкис амалга оширмоқдалар.

Абдуллажон СУЛТОНОВ.

ЯНГИ ЙИЛНИ ҚАЧОН КУТАМИЗ?

Сизларга мактуб йўллашимга газетанинг шу йил 2 сонида босилган Тўлқин Муҳиддиннинг «Муҳим довон ошилди» юз сатр дил сўзи туртки бўлди. Ундаги янги йилни 21 мартга кўчириш тўғрисидаги таклифга эътирозим бор.

Лекин нега энди биз эскилик сарқити деб ҳаётимиздаги яхши удумларимизни ҳам йўқ қилиб юборишимиз керак? Нима учун болаларимизнинг энг катта қувончига (қолаверса, ўзимизнинг ҳам) сабабчи янги йилни, арча байрамини унутиб, уни баҳорда қаршиладик. Янги йилни бутун дунё байрам қиларкан. Иссиқ мамлакатларда сунъий қор ясашиб, шу тариқа байрамни кутишар экан. Бас, шундай экан биз табиат инъом этган шодликдан юз ўгирмайлик.

Бошқа таклифларим ҳам бор. Телевизордаги кўп кўрсатувлар Москвадан андоза олади. Гоҳида бу асабингизга тегади. «Чархпалак» кўрсатувини олинг. Уят эмасми, олий ўқув юрти талабаси карра жадвални билмаса-ю, яна унга телевизор ҳадя қилинса! Яхшиямки, ўзбек тилини бошқа миллатдошлар кўпам тушунмайди. Ҳеч бўлмаса, шу эшиттиришларга таниш-билишчилик аралашмасин. Баъзи журналистларнинг кўрсатув олиб бораётганини кўриб, хафа бўлиб кетасан киши. Нутқ бойлиги йўқ, ўз устларида ишлашмайди, касбларига ижодий ёндошишмайди. Нутқ бойлигини ўстириш, гапирганда ифодали гапириш техникасига аҳамият бериши керак. Бошқаларга майли, лекин журналистларга бу ярашмайди.

Бу фикрларимга газетхонлар нима дейишаркин?

Дилбар АЛИМОВА,
Тошкент Давлат доришунослик олийгоҳи муаллимаси.

Қейинги пайтларда миллий қадриятларимиз ва байрам-ҳайитларимиз тикланиб бораётганлиги қалбларни олам-олам севинчга тўлдираяпти. Милодий 1991 йилда кенг нишонланган «Наврўз» байрами ва «Қурбон ҳайити» шодиёнага айланиб кетди. «Наврўз» ва «Қурбон ҳайити»нинг биринчи кунини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги Президентимиз Фармони нур устига аъло нур бўлди. Шундай бўлса ҳам, афсуски, янги йилни милодий календарга кўра, 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси кутиб олдик. Ҳолбуки, милодий 1991 йил давомида содир бўлган ва ҳижрий йил ҳисобларига кўра кирган янги йилларни кутиб олиш нари турсин, ҳаттоки, уларни кўпчилигимиз билмасак ҳам керак. Ҳижрий-шамсий (Қуёш) ҳисобига кўра 1370 йил милодий 1991 йилнинг 20 дан 21 мартига ўтар кечаси, ҳижрий-қамарий (Ой) ҳисобига кўра 1412 йил милодий 1991 йилнинг 12 дан 13 июлига ўтар кечаси кириб келган.

Тўғри, 21 март куни «Наврўз» байрамини нишонладик, лекин 31 декабрь кечасидагидек эмас. Ана шунинг учун ҳам севимли газетамиз «Ишонч»нинг 1992 йил 13 январдаги 2-сонида босилган Тўлқин Муҳиддиннинг «Муҳим довон ошилди» мақоласини ўқиб, янги йилни 1 январда эмас 21 мартда — Наврўз куни кутиб олиш тўғрисидаги таклифини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда янги йилга оид баъзи фикр ва таклифларимни билдирмоқчиман.

Дарвоқе, ҳижрий-қамарий йил ҳисобига кўра янги йилни киришинигина эмас, балки кўпчилик миллий байрам, ҳайит ва удумларимиз (рўза ойи, Лайлат ул-қадр, рўза ҳайити, мусулмонларни ҳажга бориш вакти, арафа, курбон ҳайити, мавлуд) ҳам мазкур ҳисоб асосидаги календарь бўйича эканини билмайдиганлар ҳам учраса керак. Ваҳоланки, ҳижрий-қамарий календарь ойларининг номларига бевосита ўхшаш ёки боғлиқ бўлган ўзбек фарзандларининг исмлари кўплаб учрайди. Масалан, Муҳаррам, Сафар, Раббим, Жума, Ражаб, Рамазон, Зулфиқор, Зулайҳо, Зулхумор ва ҳоказо. Урф-одатларимиз ва ҳайит байрамларимиз билан боғлиқ бўлган (Қурбон, Ҳайит, Рўза, Мавлуда, Мавлиддин, Ашир, Ҳожи, ...) исмлар ҳам мазкур календарь билан боғлиқдир. Зикр этилган исмлар ичида ҳижрий-қамарий календарнинг деярли ҳамма ойлари номларда учраса, ҳижрий-шамсий календарь ойлари номларининг иккитаси (Саври, Асад) ўзбек фарзандларининг исмлари орасида учрайди. Бунлар асосида ота-боболаримиз ҳижрий календарлардан кенг фойдаланганлар деган хулосага келиш қийин эмас.

Истагим ва таклифим шуки, бундан буён янги йилни 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси эмас, балки ҳижрий-шамсий ва ҳижрий-қамарий йил ҳисобларига кўра кутиб олайлик. Аниқроғи, ҳижрий-шамсий ҳисобга кўра, янги 1371 йил милодий 1992 йилнинг 20 дан 21 мартига ўтар кечаси ва ҳижрий-қамарий ҳисобга кўра эса янги 1413 йил милодий 1992 йилнинг 1 дан 2 июлига ўтар кечаси кутиб олайлик. Яқин келажакда кундалик ҳаётимиздаги барча ҳисоб ва саналар ҳижрий йил ҳисобларига кўра олиб борилиши бошланса ажабмас. Шундай бўлишига мен ишонаман. Ўшанда, балки, дам олиш кунимиз якшанба эмас жума куни бўлар! Ана ўшанда миллий ғурур ва ифтихорларимиз яна ҳам юксалиб, нур устига аъло нур бўлар эди.

Аҳмаджон АКБАРОВ,
физика-математика фанлари номзоди.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

МЕРОСИМИЗГА ГАРД ЮҚМАСИН

Қаро кўзим, кел эй, мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзим қаросиға мардум киби Ватан қилғил...

Ҳар сафар бу кўшиқни Юнус Ражабий ижросида тинглар эканман, чукур ўйларга толаман. Гўё у мозийдан эшитилаётгандек, унда ота-боболаримизнинг фиғон-у, нолалари янграётгандек бўлади. Ва, мен ҳар галгидек бу буюк кудрат олдида лол колганча, беихтиёр ҳофизга эргашиб, хиргойи киламан. Кўшиқ тугамаса дейман, чунки унда кишига олам-олам руҳий мадад берувчи, олдинда турган мушкулликларни енгишга ундовчи зўр бир кудрат бор. Ҳазрат Навоийнинг буюк калбидан отилиб чиккан ёниқ мисралар тафти ажойиб куй билан омухта бўлиб, кишини олис-олисларга эзгулик ва муҳаббат юртига олиб кетгандек бўлади. Кўшиқнинг сўнгги сўзлари айтилгандагина, уни яна Юнус Ражабий ижросида эшитиш учун канча вакт кутиш кераклиги ҳакида ўйлаб коламан.

Шундай қилиб, мен сизни, азиз муштарий, айтмокчи бўлган фикримга етаклаб келдим. Агар эътибор килган бўлсангиз, мен факат Юнус Ражабий ижросидаги «Каро кўзим»ни тилга олдим. Уни жумҳуриятимиз кўшикчилиги учун меъёр деб кабул килсак бўлаверар, зеро бу кўшиқни Юнус Ражабийдан ўтказиб айтадиган ҳофиз ҳозирча дунёга келганича йўк. Лекин, айни пайтда «Каро кўзим»ни юзлаб хонандалар айтишади. Кўлларидан келганча, иктидорлари етганча. Уларнинг орасида оддий ҳаваскордан тортиб, халк артистигача бор. Аммо академик ҳофизимиз билан бошкаларнинг ижроси ўртасидаги фарк осмон билан ерча. Мустасно тарикасида Муножаат Йўлчиева ижросидаги «Каро кўзим»ни келтирсак бўлар. Бу кўшикда Муножаат Юнус Ражабий йўлини авайлаб, унга ҳеч нарса кўшмасдан, ҳеч нарсасини тушириб колдирмасдан айтади.

Бу билан мен биргина «Каро кўзим» эмас, балки умуман миллий классик мусика меросимиз ҳакида фикр юритишга чорламокчиман.

Маълумингизки, бу мерос бизга асрлар оша етиб келган. Уни ота-боболаримиз тўнғич авлодларимиздан катта эҳтиром билан кабул килиб олиб, бизгача юксак масъулият билан етказиб келганлар. Ғазалдаги ҳар бир сўз, куйдаги ҳар бир кочирим ёки нола олтин-у, жавоҳирдек эъзозланган. Бундай муносабат мусика ёзувларимиз (ноталар) бўлмаган кадим даврлардаёк шаклланган эди. Созанда ва хонандалар кўшикларни факат зукко акл-идроклари, ўткир хотиралари билан ёдда тутиб колганлар ва ёшларга ўргатганлар.

Ҳозирчи? Турли хонанда ва созандалар бир кўшик ёки куйни турлича ижро этадилар ва унинг асли кандай эканлигини билиб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборадилар. Юкорида айтганимиздай, ижрочилар орасида халк артистидан тортиб, то ҳаваскоргача бор. Энг ёмони шуки, ана шу кўшик ва куйлар ана шу «ранг-баранглигича» радио ва ойнаи жаҳонда, сахналарда ҳеч кандай тўсиксиз янграмокда. «Каро кўзим»ни бугун Юнус Ражабий ижросида эшитсак, эртага уни бошка артист, индинга эса ҳаваскор айтади. Ва, табиийки, турли «лаҳжада» айтади.

Ўзбекистонимиз мустакил давлат деб эълон килинди. Энди унинг бошкалардан холи миллий мусика маданияти ҳакида ўйлаб кўриш вакти келиб етди, деб ўйлайман. Албатта, Тошкент Давлат консерваториясида Шарк мусикаси кафедрасининг ташкил этилиши бу борада муҳим кадам бўлди. Лекин биз ҳали миллий мусика меросимизни ҳакикий дур-у, жавоҳирлигича саклай олаётганимиз йўк.

Классик асарларнинг ижро этилиш меъёри ва мезони аник ва равшан белгилаб кўйилмаган, бу масъулиятли вазифани зиммасига оладиган идора йўк. Бу нарса аслида концерт дастурларини тасдиклаш чоғида амалга оширилса ҳам бўларди. Халк олдига чикиб ашула айтадиган ҳофиз, мусика чаладиган созанда миллий мусика меросини чукур биладиган мутахассислар олдида имтиҳондан ўтсинлар. Агар ана шундай нуфузли комиссия ҳалол-пок ишласа, бугун республикада ё бир, ёки икки кишигагина «Каро кўзим»ни айтишга рухсат килган бўларди. Классик мусика ҳакида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Факат шу йўл билангина биз миллий мусика меросимизнинг софлигини асрай олишимиз мумкин.

Бизнинг таклифимиз-энг яхши хонанда ва созанда ижросидаги аслига якин кўшик ёки куй жумҳурият учун меъёр деб кабул килинса ва у пластинкалар, магнит тасмаларига ёзилиб, халк орасида тарқатилса. Ҳозир ниҳоятда кўпайиб кетган отарчилар маданият бўлимлари томонидан ана шу асосда имтиҳон килинса. Чунки тўйма-тўй юрган бу «санъаткорлар» мусика меросимизни оёкости бўлишига «катта ҳисса» кўшмокдалар.

Ана шу ишларни йўлга кўйиб оладиган бўлсак, миллий мусика меросимиз янада мустаҳкамланади, деб ўйлайман. Ҳозирча эса, классик кўшик ва куйлар турлича ижро этилиб, уларга хорижий «коришма» лардан кўшилиб, янграганча ғашга тегиб турибди. Биз буни классик кўшик ва мусикаларни яратган, уларни зўр завк ва садокат билан юкори даражада ижро этган ва бизларга колдириб кетган авлодларимиз хотирасига энг катта ҳурматсизлик деб биламиз. Мустакил республикамизнинг ҳар бир онгли фукароси пахта, олтин ва бошка миллий бойликларни канчалар асраса, миллий мусика меросимизга ҳам ана шундай карасагина биз уни ҳакикий ватанпарвар дея оламиз.

Узокбой САКСОНБОЕВ,
Андижон вилояти.

ИСТЕЪДОД КЎРИГИ

Карши шаҳридаги «Ирригатор» маданият саройида Ўрта Осиё ва Козоғистон халклари дўстлигига бағишланган «Дўстлик тароналари» вилоят фестивалининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Фестивалда вилоятнинг турли жойларидан келган ўнта фольклор дастаси иштирок этди. Бундан ташкари халк амалий санъати бўйича 40 га якин муаллифларнинг ишлари намойиш этилди.

Кўрикда юксак ижрочилик маҳорати ва репертуарининг ранг-баранглиги туфайли томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъатининг таҳсинига сазовор бўлган Карши районидаги «Партия XXII съезди» давлат хўжалигининг «Момогул» фольклор дастаси биринчи ўринни эгаллаб, шу ойда ўтадиган республика фольклор жамоалари фестивалида катнашиш ҳукукини кўлга киритди. Халк амалий санъати намуналаридан ўндан зиёди республика кўригида намойиш килишга тавсия этилди.

Фестивал якунида ғолиблар касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг Фахрий ёрликлари ва пул мукофотлари билан такдирландилар.

Кўрикни яна ҳам яхши ташкил этиш мумкин эди. Халк талантларига бой бўлган Чирокчи, Деҳконобод, Ғузор, Косон, Ульянов, Баҳористон, У. Юсупов районларидан бирон вакил ҳам унда катнашмаганлиги афсусланарли ҳолдир.

Ўз мухбиримиз.

МАРЯМХОН ҚЎШИҚ АЙТСИН...

Эътибор бердингизми, саҳнамизда, овози жарангдор бир кўшиқчи киз пайдо бўлди. У Марям Сатторова. Мен Марямхонни «Халклар дўстлиги» саройида бўлган улуг бобомиз Алишер Навоийнинг табаррук тўйида хонанда Хурриятт Исроилова билан биргаликда улуг шоирнинг «Фироқ» ғазалига ёзилган кўшиқни куйлаб, гулдурос олкишлар олганида кўрдим. Сўзлар магазини чертиб-чертиб, баланд, авжли овозда мароқ билан дилларни сел қилиб куйлаши, дид билан ўзбекона кийина билиши, жозибали чеҳраси, саҳнада ўзини гўзал тута билиши томошабинларга маъкул келган эди. Ҳа, каттакон, улуғвор саҳнада, беш минг томошабин кўз ўнгида, яна денг биринчи каторда ўтирган чет эллик меҳмонлару ҳукумат раҳбарлари каршисида ёш санъаткорнинг катта кўшиқ айтиши осон эмасди. Бу албатта, Марямхоннинг тинимсиз машқи, устозлари ўгитларини дилига жо эта билгани меваси эди.

...Марям Шаҳрисабзда, гўзал ва мўъжаз шаҳарда таваллуд топди, эсини таниб, дилида, тилида кўшиққа, куйга ташналик ҳис килди. У аввало мактабдошларининг меҳрини, олкишини козонди ва ўқувчилик пайтидаёк «Марҳабо талантлар» телевизион кўригининг голиби бўлди.

Кейин не-не орзулар билан Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирди. Ва аъло баҳолар билан тугатиб, Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Шодлик» ансамблига ишга таклиф этилди. У консерваторияда халк ҳофизи Фаттохон Мамадалиев синфида ўқиб, ўнлаб мақомларни, халк кўшиқларини ўрганди.

— Марям жуда зийрак, билимли, битта ўргатганингни кулоғига олиб, яна уни бойитиб, айтганингдан зиёда қилиб ижро этади, — дейди Фаттохон ака Мамадалиев. — Бу кизнинг кенг камровли, баланд авжли овози бор. Мақомларни маромига етказиб куйлайди. Жуда тиришкок, меҳнатсевар. Менга колса Марямхонни ҳозирги кизлар ичида ягона хофиза дегим келади. У «Шодлик»нинг яккахон кўшиқчиси. Унинг келажагидан умидим катта. Ўзи огир, босик, тарбия кўрган киз. Енгил-елпи кийинмайди. Ортиқча пардоз-андоз килмайди. Кўп ганирмайди. Ҳа, санъаткор аввало юриш-туриши билан ўрнак бўлса, унинг санъати кадр топади.

Марямхон Сатторова «Самарқанд уйнаги», «Сароҳбори дугоҳ», «Фаргона тонг отгунча», «Кетсам агар», «Эй дил», «Зор айладинг» каби кўшиқларни янада мароқ билан берилиб куйлайди. Жуда тиришкок, меҳнатсевар. Кизларининг бахтини, омадини тилаб ўтирган Саид ака (шофёр) билан Робияхон ая (уй бекаси) гоҳо телевизор экранида Марямхонни кўриб, кувончлари дилларига сигмайди. Кўзларида ёш билан, нафас олмай кизларининг кўшигини тинглайдилар.

— Марямхоннинг ноёб овози бор, — дейди бастакор Туйғун Отабоев, — факат у маҳорат сари янада иштиёк билан интилиши, тинмай изланиши керак.

Ҳа, у томошабинлар ва устозлари ишончини оқлаш учун бутун куч ва иродасини, акли — шуурини, муҳаббатини бахшида қилиб изланади ва камолот сари интилаверади, интилаверади.

Кўшиқ айт, Марям, кўшиқларинг дилларга таскин ва ором бағишласин.

Санъат МАҲМУДОВА.

АКА-УКА ИЖОДКОРЛАР

Рустам ва Ашурмат Мамасолиевлар Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олишган. Рустам дастгоҳли рангтасвир бўлимини, укаси Ашурмат эса монументал рангтасвир бўлимини тугатган.

Рустам кўп йиллардан буён Гулистондаги санъат билим юртида ўкитувчилик килиш билан бирга мўйқаламда баракали ижод килмокда. Чўл лочинлари—ёшлар образи унинг ижодида муҳим ўрин тутади. У ўзининг яратган бетакрор портретлари, манзаралари учун вилоят ёшлар уюшмаси мукофоти совринига сазовор бўлди. Миллийлик Рустам ижодининг диккат марказида туради. Ўзбек миллий тасвирига хос нафислик, ёркин ранглар унинг ижодидан кенг ўрин олган.

Ашурмат эса, болалар санъат мактабида ранг тасвирдан сабок беради.

Ака-укалар турли жанрларда ижод килсалар ҳам бир-бири билан ҳамфикр дунёкарашларидаги якдиллик, ижодий ташналик бир-бирини бирлаштириб туради. Улар вилоятнинг турли бурчакларида яратган безак ишларини ҳам бармок билан санаб бўлмайди.

Ака-укаларни чўл санъатининг дарғалари десак, янглишмаймиз. Энди ривож топиб келаётган Сирдарё вилояти тасвирий санъати шайдолари улар билан фахрланадилар.

Суратда: Рустам ва Ашурмат Мамасолиевлар Гулистон шаҳридаги 9-ўрта мактабда ташкил этилган Навоий номли музейда безаш ишлари хусусида сухбатлашмокдалар.

М. АБДУМЎМИНОВ олган сурат.

АТТОРНИНГ КУТИСИ



«ҚИЗИҚЧИ—90» СОВРИНДОРИ

ШУКРУЛЛО МАҲКАМОВ-МЕҲМОНИМИЗ

Ўзбек халқи қадим-қадимдан аскияни, кулгуни, ҳазилни севади. Кулгуназ дарғалардан Юсуфжон Қизиқ: «Кулинг, умрингиз узаяди», деганида нақадар ҳақ эди. Бугун биз «Қизиқчи—90» танлови совриндори Шукрулло Маҳкамовни редакциямизга таклиф этганмиз. У ўзи билан театр саҳналарида, тўй-ҳашамларда, гулгун давраларда айтиб юрадиган миниатюра ва хандаларини олиб келди. Азиз газетхонларга шу бисотдан намуналар ҳавола этамиз.

Кооператив такси ҳайдовчиси тўш кўрибди. Тушида бир бобо тайёрагоҳга элтиб қўйишни сўраётган эмиш.

— Ўғлим, тайёрагоҳга обориб қўй.

— Неча сўм берасиз, бобой?

— 3 сўм, болам.

— Йўқ, бобой, 10 сўм беринг, обориб қўяман.

— 3 сўм бераман, болам, бор-йўғим шу!

— Йўқ, 10 сўм, бобой!

— Жуда қайсар экансан, майли, ҳайда!

Ҳайдовчи машинани елдириб тайёрагоҳга келган экан, бобо айтганини қилиб, 3 сўм берибди.

— Бобой, 10 сўм бўлади, — дебди ҳайдовчи.

— Бошқа пулим йўқ, болам, — жавоб берибди бобо.

— Ҳе бобой, 10 сўм дедим, — ўшқирибди ҳайдовчи.

— 3 сўм керакмасми? 10 сўмам, 3 сўмам йўқ, — дебди айёрона бобо.

Шу пайт ҳайдовчи уйғониб кетибди.

— Ия, тушим экан-ку!

Ҳайдовчи яна кўзини чирт юмиб:

— Отахон, 3 сўм бўлса ҳам майли, — дермиш.

КОВЛАНМАГАН КЎЧА

Шаҳар катталари йиғилиш қилишди. Катталарнинг каттаси чиқиб сўради:

— Хўш, ўртоқлар, қани айтинглар-чи, шаҳарда ковланмаган кўча борми?

Ҳамма жим.

— Шаҳар каттаси сифатида сизлардан сўраяпман, шаҳарда ковланмаган кўча борми?

Яна ҳамма жим.

— Сизлардан охирги марта сўраяпман, ковланмаган кўча борми?

— Бор!..

— Э, яшанг, шунча одамнинг ичида битта сиз билар экансиз. Қани айтинг-чи, у қайси кўча экан?

— Айтмайман!

— И-я, нега?

— Агар айтсам, бориб ўша кўчани ҳам ковлайсизларда,—дермиш ҳалиги киши.

Бир ҳамқишлоқ акахонимиз Москвага боргилари келиб бир ойда аранг самолётга билет олибдилар-да, учиб кетиш учун аэропортга келиб ўтирибдилар. Учишга ҳали вақт бор экан, зерикиб у ёқ бу ёқни айланиб турай деб шинам уйчанинг олдига бориб қолибдилар. Қарасалар эълон осиғлиқмиш:

— 50 тийин ташласанг, тақдирингни билиб оласан, — деб ёзилганмиш унда.

— Ия, зўр кооператив экан-ку! — деб, 50 тийин ташлабдилар.

— Сиз Зайцев қишлоғидансиз, Москвага кетаяпсиз. Қишлоғингиз нима учун Зайцев номида ва қачон ўзбекча ном қўйилишини билмоқчи бўлсангиз, 5 сўм ташланг! — деган овоз эшитилибди.

— Билиб қўяйлик-чи, — дебдилар акахон ва 5 сўм ташлабдилар.

— Зайцев деб номланиши — бу бизнинг ҳурматимиз! Ўзбекча бўлиши керак дейилган қонунга келсак, яна 5 сўм...

— Хўш, ўзгарадими? — 5 сўм ташлайдилар акахонимиз.

— Ўзгаради! Қишлоқ раҳбарларининг ташаббуси билан «Зайцев қишлоғи» ўзбекча аталади, яъни «Қуёнов» бўлади. Лекин қишлоқда сени... 10 сўм ташла! — яна дўрилдоқ овоз эшитилади.

— Нима мени, нима? — 10 сўм ташлайди, акахон хавотирланиб.

— Ҳурмат қилишади. Сени 6 та боланг бор. Лекин шулардан биттаси... 25 сўм ташла!

— Нима биттаси? Нима? — 25 сўм ташлайди.

— Аъло баҳога ўқийди. Сени 1 та хотининг ва яна 1 та... 50 сўм ташла!

— Нима битта? — 50 сўм ташлайди.

— Мотоциклинг бор. Сен хотинингни яхши кўрасан, хотининг эса... 100 сўм ташла.

— Нима, хотиним эса? — 100 сўм ташлайди.

— Сени ҳеч кимга ишонмайди. — Сен хотинингга вафодорсан, Аммо — Лекин, хотининг бўлса сенга... сенга... 200 сўм ташла.

— Менга хиёнат қиладими? — 200 сўм ташлайди.

— Кетмон чоптирмайди. Энди охиргиси, сен учун энг кераклиги. Шуни билиб олмасанг бўлмайди... 200 сўм ташла!

— Билиб оламиз, ҳозир и-я, пул тамом бўпти-ку, — акахон бақраяди.

— 50 сўм ҳам бўлаверади.

— Қаёқда, 15 тийингина қопти-ку?

— Ташла, бўлаверади.

— Мана! — 15 тийин ташлайди, акахон.

— Дўстлашиб қолганимиз туфайли буёғини текинга айтаман. Мен билан суҳбатлашиб турганингда самолётинг Москвага учиб кетди.

Аваз: (саҳнага чиқиб келади) — Ҳўш, ўртоқлар, бугун биз сизлар билан баъзи камчиликларимиз ҳақида суҳбатлашмоқчимиз.

Шукрулло: — Ассалому алайкум!

Аваз: — Эй-й, нега сиз менга салом бераяпсиз?

Шукур: — Нима, салом бериб бўлмайдими?

Аваз: — Сиз мени танийсизми?

Шукур: — Йўқ!..

Аваз: — Мен ҳам сизни танимайман.

Шукур: — Танимаса салом бериш керакмасми?

Аваз: — Керакмас.

Шукур: — Нега?..

Аваз: — Эй, сиз ўйлаяпсизми, тўғри келган одам салом бераверса, мен алик олаверсам, биласизми, нима бўлади?

Шукур: — Нима бўлади?

Аваз: — Оғзим куриб, тилим танглайимга ёпишиб колади-ку.

Шукур: — Ҳа энди, ота-буваларимиз бир-бирларига салом беришган.

Аваз: — У дарахтлар кесилиб кетган.

Шукур: — Янгилари ўсиб чиққан, ака.

Аваз: — Нега ака дейсиз, менинг сиздақа укам йўқ, ака деманг мени.

Шукур: — Хўп майли, оғайни...

Аваз: — Сиз мен билан чойхонада бир-икки марта ош еганмисиз, мени оғайни дейсиз?!

Шукур: — Хўп, майли, ҳамшаҳар.

Аваз: — Қайси шаҳардансиз?

Шукур: — Тошкентданман.

Аваз: — Мен Қўконданман, сиз билан ҳамшаҳар эмасмиз.

Шукур: — Хўп, кечирасиз!

Аваз: (жаҳл билан) — Уриб чакагингизни ёриб қўйдимми, мендан кечирим сўрайсиз...

Шукур: — Сиз қанақа одамсиз ўзи, на иссиққа кўнасиз, на совуққа... қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган ахмоқ одам экансиз-ку!..

3-киши: — Тинчликми, нима гап, ўзи?

Аваз: — Мана янги ўсиб чиққан дарахтинг!

3-киши: — Тушунмадим...

Шукур: — Эй, биродар, «Ассалому алайкум», деганимга шунча жанжал.

3-киши: — «Ассалому алайкум»нинг маъносини тушунмасалар керак-да.

Аваз: — Тушунмайман!..

3-киши: — «Ассалому алайкум» дегани... «мен сизга тинчлик тилайман дегани», «ваалайкум ассалом» дегани «мен ҳам сизнинг хонадонингизга тинчлик тилайман», дегани.

Аваз: — Хўш, сиз менга тинчлик тиламайсизми?!

3-киши: — Тилайман.

Аваз: — Нега салом бермадиз?!

Шукур: — Менга қаранг, бўлар-бўлмасга жанжал қидирасиз, канақа одамсиз ўзи? Ота-буваларимиздан ўтиб келаётган «меҳру оқибатимиз» қани?!

Аваз: — Дарҳақиқат, меҳру оқибатимиз қани?!

Шукур, Аваз, 3-киши: — Ассалому алайкум!

Кулгу-чехранинг гули...

Ойнам жаҳонда

(16—22 март)

ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Сахий эртак». Мультфильм. 18.25 Болалар учун. «Болалигим гулбаҳор». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида. 19.20 «Билиб қўйган яхши». 19.35 «Ўзбекистон» киножурнали. 19.55 Ўзбек куйларидан концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Учрашув». Шоира Ҳалима Худойбердиева. 22.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Олтин тоғ сири». Бадиий фильм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Қўҳна оромгоҳлар». Кинопрограмма. 11.30 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 18.50 «Ассалому алайкум» (такрор). 19.50 «Фарғонанинг мовий ҳалқаси». Телефильм. 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Қурилиш: тажриба ва муаммолар». 21.10 Кичик концерт. 21.30 «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм. 23.00 «Лаҳза». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар: «Қувноқ болалик мамлакатида», «Сирли қулф». 9.25 Вячеслав Зайцевнинг модалар театри. 10.25 «Дарё бўйлаб 100 чакирим». Телевизион бадиий фильм премьераси («Латвияс» кино, «АЛКО» студияси). 11.30 «Астрахань қирғоқлари». Илмий-оммабоп фильм премьераси (Экран). 12.00 Янгиликлар. 12.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Бу бўлган, бўлганди...» 15.45 «Қўркма, мен сен билан». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.55 Зуфар Хайрутдинов куйлайди. 17.10 «Қулоксизлар байрами». Мультфильм. 18.00 Янгиликлар. 18.25 Футбол шарҳи. 18.55 «Хасис бой». Мультфильм. 19.00 «НЭП». 19.40 «Дарё бўйлаб 100 чакирим». Телевизион бадиий фильм премьераси. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Янги студия таништиради: «Вазият», «Қийшиқ эфир». 22.10 Муаллифлар ойнаи жаҳони: «Бирок», «Москва акс садоси», «АТВ-брокер». 22.45 «Янги студия» таништиради: «Хабарномалар», «Микс», «АТВ лотореяси», «Джем-Сейшн». 00.15 «Иссиқ ўлкалардан салом». Мусиқий кўрсатув. 01.15 «Тақдир чизиғи». Ҳужжатли фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Итальян тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер». 10.05 Рус. маданияти ҳақида суҳбатлар. 10.55 «200-юкли рейс». В. Цветов шарҳи. 11.35 «Бурда моден» таклиф этади. 12.05 Криминал канал. «Мутлақо махфий». 13.00 «Любэ» гуруҳи. 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Ишлар қандай, агроислоҳот? 15.55 Болалар соати (немис тили дарси билан). 16.55 Танаффус. 17.10 «Мураккаб ёш» студияси. «Арт-зона». 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 18.35 «Пингвинча». Мультфильм. 18.45 «Сиз яратган боғ». 19.15 «Бизнес ва снёсат». Жамиятнинг бой бўлишига нима халақит бераётганлиги ҳақида. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 Россиянинг телевизион театри. «Қочиш» (Л. Пандуронинг «Даниялик Ферн» киссаси асосида). 1-қисм. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 23.20 «Россия билан юзма-юз». 23.35 «Бешинчи ғилдирак» (давоми). 00.20 Спорт хабарлари. 00.30 Бадиий гимнастика. Дерюгина кубоги учун халқаро турнир.

СЕШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Дарахт ва унинг новдалари». Телефильм. 8.55 Тақрорий фильмлар экрани. «Тақдир инъоми». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 10.40 «Матонат». 11.40 Эстрада концерти. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Жонсарак». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик оқшоми». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сиҳат-саломатлик». 19.55 «Баҳор ва наврўз тароналари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Спортлото». 21.00 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.15 «Тадбиркорлар» 22.15 «Кино осмонида чақнаган юлдузлар». Қинокўрсатув. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун фильм. «Тўстўполон». 18.55 «Светлана Норбоева ҳузурида». 20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.30 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.05 «Масхарабозлик гуноҳи». Бадиий фильм. 11.30 Футбол шарҳи. 12.00 Янгиликлар. 12.20 Ритмик гимнастика. 12.50 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатуви. 13.20 «Менга колса фермер бўлардим». Телефильм премьераси. (Владикавказ). 13.40 Концерт. 14.15 «Қора лайлак». Мультфильм. 14.25 «Ён дафтар». 14.30 «Савдо растаси». 14.45 «Бу сизга керакми?». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 Узоқ умр кўриш учун. Чиниқиш. 15.40 «Кубанча тўй». 16.15 «Қўркма, мен сен билан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.35 «Вера ва Анфиса ҳақида». Мультфильм. 17.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бенгбенг» (Ирландия). 18.00 Янгиликлар. 18.25 «Қуённинг ҳаммоми». Мультфильм. 18.35 «Ҳамма циркни севади». 19.20 Телефильм. 19.45 «Хонаки куй». Телевизион бадиий фильм. «Деррик» туркумидан (Германия). 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар. (Танаффус пайтида катталар учун мультфильм). 23.00 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатуви. 23.30 «Тунги альбом». П. Васильев шеърияти. 24.00 «50×50». Телетомоша.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ белгиси билан.» 9.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 9.35 Болалар соати (немис тили дарси билан). 10.35 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 12.20 «Сиз учун Михаил Новохижин куйлайди». Рус композиторларининг романслари. 12.45 Кундузги сеанс. «Нептун байрами». Бадиий фильм. 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. 16.15 «Простор+. Телебиржа. 16.45 «Хаёт кузи». 17.00 «Терминал». 17.30 Транс-Росэфир. «Катанга — шимол экзотикаси». 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.35 «Салют, Америка!». Лотин Америкаси мусиқалари халқаро фестивали» (Самара шаҳри). 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Паррандалар биз билан ёнма-ён». 19.20 «Россия ва дунё». Ахборот аналитик кўрсатуви. 19.50 «Петербург афсонаси». 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 Тунги салон. «Чўкинтирган ота». Ичкаридан қараганда. Ҳужжатли фильм («Парамаунт-пикчерз» маҳсулоти). 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.30 Россиянинг телевизион театри «Қочиш». 2-қисм. 23.30 Вариацияли мавзу. «Дирижёрга бағишланади» (Кирилл Кондрашин хотирасига). 00.30 Бадиий гимнастика. Дерюгина кубоги учун халқаро турнир.

ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Қўнғирокча». Бухоро кўғирчоқ театрининг спектакли. 8.55 Тақрорий фильмлар экрани. «Барча постлар диккатига». Бадиий фильм. 10.15 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.55 «Анъана ва замон». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Уй бекаси ва ажина». Мультфильм. 18.15 «Яхшидан боғ қолади». 18.45 «Тадбиркорлар ҳузурида». 19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида). 19.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари ҳузурида мусиқий кўрсатув. 20.00 «Санъат олами». Мусаввир Темур Саъдуллаев. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. 21.40 «Гулнорани нинг гулдастаси». Мусиқий видеофильм. 22.25 «Икки дил достони». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 «Қадрдон юртдошлар», «Бутун умр мобайнида». Телефильмлар. 11.30 «Абу Али ибн Сино». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Кино кўзгуда ҳаёт». 20.20 «Спринт». 20.40 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм. 22.10 «Ялла» жамоаси концерти.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «ЭСД». Бадиий фильм (Польша). 10.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар. 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Пи» белгиси билан. 12.50 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 13.05 Қозон шаҳри ҳақида телефильм премьераси. 13.40 «Адам Смит бойлиги дунёси». 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Қўшиқ шинавандасига тортиқ». 15.55 «Авлод-аждодлар водийси». Телевизион бадиий фильм. 17.00 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Болалар учун тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. (ЧСФР, Германия, Япония). 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Парнас сари бир босқич». 18.40 «Максима». 19.10 «ЭСД». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Саҳнанинг орқа томонида». Борис Андреев». 22.25 «Порла, порла менинг юлдузим». Телефильм премьераси. 23.15 «Ҳаёт ва ўлимнинг мангу дуэти». 23.45 Кикбоксинг. Суперпрофессионалларининг Америкача жанги. 00.45 Сизни Л. Семеняка таклиф этади.

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим». 9.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 9.35 «03» кўрсатуви. 10.05 Сиёсий бўлим. 10.45 «Чумчуқча». Мультфильм. 10.55 Мариин театрининг солисти Р. Гербек туғилган кунининг 85 йиллигига бағишланган концерт. 11.25 Россиянинг телевизион театри. «Қочиш». 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. 15.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 16.55 «Жаҳон бозорининг калити». 17.25 «Севги изҳори». 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Транс-Росэфир. «Узоқ Шарқ» телекўрсатуви. 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 19.20 Криминал хабарлар. 19.35 Вариацияли мавзу. «Осиё овози». Олмоота шаҳрида замонавий қўшиқлар халқаро танлови. 20.00 «Эконом». 20.15 «Ҳар бир кун байрам». 20.25 Сиёсий бўлим. «Бундай партия йўқ». Кўрсатувда Ю. Манаенков. К. Лубенченко, Ю. Бурдин иштирок этадилар. 21.20 Парламент ҳабарномаси. 21.35 Россиянинг телевизион театри М. Митуа. «Аккомпаниатор». 22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.25 «Учрашув жойи — Зазеркалье. Дам олиш кўрсатуви. 23.25 Маша Распутина ҳақида кўрсатув. 00.10 «Голишевга миллионлар нега керак?». 00.40 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Барселона» (Испания)—«Динамо» (Киев). Барселонадан олиб кўрсатилади.

ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Қалдирғоч». Фильм-концерт. 8.55 Тақрорий фильмлар экрани. «Мерседес ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 1-серия. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 10.40 Болалар учун. «Дадам ҳамиша илдам». 11.25 «Замандас» (қозоқ тилида). 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Алифбо сабоқлари». 19.55 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Мумтоз куйлардан концерт. 21.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қари билганни пари билмас».

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари.
10.30 Ботаника. Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши. 11.00 «Ер қаъри». Телефильм. 11.30 Ўзбек адабиёти. Абдулла Қаҳҳор.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Чимён». Манзарали фильм. 18.45 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 21.30 «Кинонигоҳ». 23.15 «Пульс». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.00 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Болалар учун тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 10.00 «Унутмас мени боғим». Телефильм премьераси (Тошкент). 10.40 «Саҳнанинг орқа томонида». Борис Андреев. 11.40 Л. Власенко чалади (фортепиано). 12.00 Янгиликлар. 12.20 Кўрсатувлар тартиби. 12.25 «Босқичлар». 13.05 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 13.50 Россия Давлат духовой оркестри чалади. 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.55 «Бир якшанбада». Телевизион бадиий фильм. 17.00 «Кукурик ва компания» (Киев). 18.00 Янгиликлар. 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.10 «Мусиқа тинглашга таклиф этамиз». 20.25 «007 рейс билан». «Корейс «Боинг-747»синнинг рус сири». Телефильм премьерасига. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар. (Танаффус пайтида — Тхэквондо. МДҲ — Англия — Қурия матчи. Санкт-Петербургдан кўрсатилади). 23.00 «Мавзу». 23.45 «Танго, танго, танго». Фильм-концерт. 00.15 «Салом, она-Россия». Шоир В. Соколов. 00.50 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Мцен уездилик леди Макбет».

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 8.50 «Диққат, сувратга олаяпман». 9.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 9.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 10.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Барселона» (Испания) — «Динамо» (Киев). 12.15 Кундузги сеанс. «Кечир». Бадиий фильм. 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Ассаларичиларга маслаҳатлар». 16.55 «Телеэко». 17.25 «Байрам» (Саратовдан кўрсатилади). 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Очиқ дунё». 19.05 Телевизбон ахборот тижорат кўрсатуви. 19.20 «Россия билан юзма-юз». 19.35 «Ҳар бир кун байрам». 19.45 Махсус тижорат хабарномаси. 19.55 «Исроил ҳақида тушлар. «Биз — исроилликлармиз». 3-фильм. 20.35 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.05 Эълонлар. 21. 10 Россиянинг ҳужжатли экрани. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрстатув.

ЖУМА

Ўз ТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Мактабда Наврўз байрами». 9.05 Тақрорий фильмлар экрани. «Мерседес ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 2-серия. 10.10 «Чаманда гул». Жумҳурият ўқувчилар саройи «Чаман» ўзбек фольклор этнографик ансамблининг концерти. 11.35 «Ишбилармон олимлар даврасн». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Йўл-йўл филча». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бир келиб кетинг қишлоғимизга». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ракслар гулдастаси». 19.50 «Ҳар кунинг наврўз бўлсин». Адабий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Хотира» Саида Зуннунова. 22.05 «Кимсан чавандоз?». Бадиий фильм.

Ўз ТВ II

Ўқув кўрсатувларн.
10.30 Информатика. Қисм программалари. 11.00 «Ўлкада баҳор». Кинопрограмма. 11.40 Биологиядан ўқувчилар олимпиадаси.

18.30 БИШКЕК КЎРСАТАДИ

«ОРБИТА IV

6.00 «Тонг». 8.30 «Болалар мусиқий клуби». 9.15 Театр учрашувлари. 10.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар. 12.00 Янгиликлар. 12.25 «Эльдорадо». 12.55 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 13.55 «Адиген» ансамбли ижро этади (Озарбайжон). 14.15 «Ён дафтар». 14.20 «Бридж». 14.45 «Бизнес-класс. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 «ФФФ» (Формат, фокус, фантазия). 15.45 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм. 17.00 «Янгра, гармонь». 18.00 Янгиликлар. 18.25 Тхэквондо. МДҲ — Англия — Курия матчи Санкт-Петербургдан кўрсатилади. 18.40 «Инсон ва қонун». 19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телевизион баддий фильм премьераси. 10-серия. 19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 21.00 Янгиликлар. 21.25 «ВИД» таништиради: «Нигоҳ», «Музобоз», «Спорт», «Шоу-биржа», «Мусиқий соат». 00.35 «Тонг юлдузи» тунги эфирда». 01.35 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун. 02.15 «Авиаспорт». «Юлдузлар» пойгаси. 02.45 «Лўли ҳикоялари». Фильм-концерт.

ДУБЛЬ IV

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 Сиёсий бўлим. «Бундай партия йўқ». 11.30 «Қўнгилочар ўйинлар». 11.55 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Тадбиркор ва қишлоқ». 14.00 Биатлон бўйича жаҳон чемпионати ва жаҳон кубоги. 15.00 «Простор +». Телебиржа. 15.30 «Рашен пайлот». 15.50 Вариацияли мавзу. «Муаллифлик қўшиклари». 2-кўрсатув. 16.40 Парламент хабарномаси. 16.55 «Бизнинг экспертиза». Россия Федерацияси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 НАТОдан репортажлар. «Адмираллар нималар ҳақида тортишишмоқда?». 18.50 Ишдак бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 19.05 «Версия». 19.20 Христианлар учун кўрсатув. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 «Тилла шпора». 21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 Театр бекати. Актёрлар тунги клуби». 2-кўрсатув. 23.40 «Уйим тўри, калбим қўри». Бадиий фильм.

ШАНБА

Ўз ТВ I

21 МАРТ КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 22 МАРТ СОАТ 10.00 ГАЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ «МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК, МЕҲР-ШАФҚАТ» ШИОРИ ОСТИДА НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН ХАЙРИЯ ТЕЛЕМАРАФОНИНИ ЎТКАЗАДИ

Ўз ТВ II

9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ. ОРБИТА IV

7.30 Ишбилармон кишининг тонги. 8.30 Танги мусиқий кўрсатув. 9.00 «Марказ». 9.40 «Мусиқий дўкон». 10.10 «Фортуна». Телефильмлар танлови. 10.40 Ҳамдўстлик» видеоканали. 11.55 Мусиқа антологияси. С. Рахманинов. Н. Паганини мавзуларига рапсодия. 12.35 «Мўъжизасизмўъжизалар». 13.15 «ДТ-75-Т» тракторн». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 13.25 «ЭХ». Экологик хроника. 13.40 «Федоскино санъати». Телефильм премьераси («Экран»). 14.00 Янгиликлар. 14.25 Ф. Слидовкер ва А. Тафелнинг. Фильм-балетлари. «Кармен-сюита». 15.25 «Лимпопо». 15.55 «Қамалак». Халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Иордания—калбим қўшиғи» (Иордания).16.25 «Пи» белгиси билан. 17.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 17.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.40 «Саккиз қиз—бир ўзим». Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 19.50 «Корейс «Боинг-747»синнинг рус сири». Телефильм премьераси «Известия», «Хиросима ТВ» Япония иштирокида. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 /Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Кутилмаган». Бадиий фильм (АҚШ). 22.40 «Тасанно». 00.25 «Уэмбли йўлида». Футбол бўйича 1992 йилги Англия кубоги. 01.25 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун. 01.55 «Даврани кенгроқ олинг»

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 «Чашма». 9.00 Миллий баскетбол уюшмаси баскетбол шарҳи. 9.30 «Ҳужжатли экран». 10.15 «Пилигрим» Россия саёҳатлар бюроси. 11.00 «М-трест». 11.30 «Петербург могиканлари». Владимир Атлантов. 12.00 «Познер ва Донахью». АҚШдан ҳафталик кўрсатув. 13.00 «Плюс ўн бир» видеоканали. 15.00 «Эскулап». 15.10 Россиянинг телевизион театри. А. Азерченко миниатюраларини МХАТ артисти И. Кашинцев ижро этади. 15.45 «Чистие прудидаги уй» «12-А» киностудиясини таништиради. 17.15 Руса стил. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Эълонлар. 18.35 «Балетнинг мингта такти». 19.45 «Босқонинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 20.15 «Ҳар бир кун байрам». 20.25 «Учқур гусарлар эскадрони». Бадиий фильм. 1-серия. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 22.50 Театр сафари «Омадсиз йиғлайверсин...» С. Юрскийнинг «Ўйинчилар—XXI» спектакли премьерасида. 23.55 «А» программаси.

ЯКШАНБА

ЎзТВ I

18.00 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Истеъдод». Шоҳиста Парпиева, Инобат Жониева. 19.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Ҳадя бўлсин сизга гул ҳам, қўшиқ ҳам» (такрор).

ЎзТВ II ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

14.20—22.00 «Ўзбекистон телевидениесининг «Мустақиллик. Тинчлик. Меҳр-шафқат» шиори остида Наврўзга бағишланган «Дўстлик» видеоканали.
8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 Спорт ҳамма учун. 9.15 «Эрта саҳарлаб». 9.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 10.25 Янги номлар. 11.15 «Франция. Бизнеснинг оддий сири». 2-қисм. 11.40 Киноҳақиқатми? «Махфий мисия». Бадиий фильм. 13.50 «Саёҳатчилар клуби». 14.50 Янги авлод танлайди. 15.45 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида—Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.30 «ТВ-Нева»: «Ким биз билан?». 17.50 «Уолт Дисней таништиради...» 18.40 «Телелоция». 18.50 «Икки ҳикоя учун сюжет». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Биринчи муҳаббат» туркумидан. 20.05 «Туш». Мультфильм. 20.15 «Саккиз қиз — бир ўзим». Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 20.45 Юрий Антоновнинг «Олтин диск»и. 22.00 «Якунлар». 22.50 «Брейнг-ринг». 23.50 «Ракслар, ракслар, ракслар». Россия бал ракслари юлдузлари (АҚШ). 00.20 «Мисрда тайёрланган...» («Астра»).

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 «Ҳужжатли экран». 9.00 «Ҳоҳ ишонинг...» 9.30 «Вера ва Анфиса мактабда». Мультфильм. 9.40 «Дарча». 10.10 Фольклор. «Номаълум маданиятлар». 11.05 «Суперкитоб». Мультфильм. 5-серия. 11.30 «Ати-бати...» 12.00 Биатлон бўйича жаҳон чемпионати ва жаҳон кубоги. Новосибирскдан кўрсатилади. 13.00 «Пеликан» акцияси. Ҳайрия аукциони.

* * *

14—20 — 22.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ.

* * *

22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.25 «Учқур гусарлар эскадрони». Бадиий фильм. 2-серия. 23.45 Театр сафари «Елгиз кулгигина эмас...» (З. Поперний ва Л. Лебединская).

Ажойиботлар оламида

Инсон руҳи танадан танага ўтиши ёки бошқача қилиб айтганда, одам қайта туғилиши мумкинми? Фалсафий нуқтаи-назардан қараганда инсон шахси тана ўлимидан кейин ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ғоя хомхаёлдек кўринади. Шу ғояга асосланиб, инсон шахси учун унинг танаси асосий нарса эмас, тана ўлганидан сўнг инсон шахси, руҳи ўзи учун янги тана танлаши ва ўз олдига янги мақсадлар қўйиши мумкин, деб тахмин қилса бўлади. Бу ғоя нақадар ғайритабиий бўлмасин, ақл-идроки Платонникидан кам бўлмаган кўпгина жиддий файласуфлар қайта туғилиш ҳақиқатлигини исботловчи, бунинг устига диний қарашларга таянмайдиган далиллар топишган.

Шанти Деви 1926 йилда Деҳлининг эски шаҳар қисмида дунёга келди. У уч ёшга тўлганида ота-онасига ўзининг илгариги ҳаёти ҳақида, ўшанда Муттра шаҳри яқинида Кендарнарт исмли эри ва икки боласи билан яшагани, 1925 йилда учинчи фарзандига кўзи ёриётганда вафот этгани тўғрисида гапириб бера бошлади. У гўёки ўз болалари ва эри билан Муттрада яшаган уйини батафсил тасвирлаб берди. Қизчанинг айтишича, аввалги ҳаётида уни Луиджи деб аташган. У ўша оиладаги ўзининг ва эрининг қариндош-уруғлари ҳақида, ўз ҳаёти қандай кечганлиги, қандай қилиб оламдан кўз юмгани тўғрисида сўзларди. Унинг «қайта туғилиши» шу қадар қисқа вақт ичида (ўлимидан бир йил кейин) юз бергандики, қариндошларидан сўраб-суриштириб, кўп нарсаларни текшириб кўриш мумкин эди.

Қизнинг ота-онаси уни бу «эртак»дан чалғитишга сира имкон тополмай қолишгач, уларнинг энг ёши улуғ қариндоши қизнинг гапларида бироз бўлсада ҳақиқат бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида Муттрадаги у айтган жойга хат ёзиб юборди. Мактуб ҳануз рафиқаси Луиджининг ўлимидан қайғуриб, мотам тутиб юрган Кендарнартнинг қўлига бориб теғди. Луиджи 1925 йилда кўзи ёриётганда оламдан кўз юмган эди. Ҳатто чин ҳинду бўлса-да, у Луиджининг қайта туғилганига, ҳозир Деҳлида яшаётганига, юборилган фотосуратда ҳақиқатан ҳам рафиқасининг «янги» оиласи тасвирланганига сира ишонгиси келмасди. Мени лақиллатишяпти, деб ўйлаган Кендарнарт Деҳлида яшайдиган ўз амакиваччаси жаноб Лалдан қиз билан учрашиб, уни сўроққа тутишни илтимос қилди. Агар товламачилик қилинаётган бўлса, жаноб Лал буни дарҳол пайқаган бўларди. Жаноб Лал Девининг уйига бир ишни баҳона қилиб борди. Эшикни очган Шанти уни кўриши билан қийқириб юбориб, ҳайратда қолган меҳмонни қучоқлаб олди. Ичкаридан қизнинг онаси чиқди ва меҳмон оғзини очишга улгурмасиданоқ Шанти (бу пайтда у тўққиз ёшда эди) бидирлаб кетди: «Ойижон, бу киши эримнинг амакиваччаси! У илгари Муттрада, бизнинг уйимизга яқин жойда яшарди, кейин Деҳлига кўчиб келган. Уни кўриб бошим осмонга етди, майлими уни уйга таклиф қилсам. Мен ундан эрим ва ўғилларим тўғрисида сўраб билмоқчиман».

Жаноб Лал қизчанинг оиласи билан суҳбатлашиб, Шанти кўп йиллар мобайнида гапириб юрган воқеаларни тасдиқлади. Охири уларнинг ҳаммалари Кендарнарт билан унинг ўғли Деҳлига меҳмон бўлиб келишлари керак, деган қарорга келдилар.

Кендарнарт билан унинг ўғли Деҳлига келишганида Шанти уларни ўпиб-қучоқлаб кутиб олди, исмларини эркалаб айтди. У Кендарнарт билан худди севувчи рафиқадек муомалада бўлар, уни ширмой нону пишлоқ билан меҳмон қиларди. Кендарнарт ҳўнграб йиғлаб юборганда эса Шанти уни фақат Кендарнарт билан Луиджигина биладиган сўзларни айтиб овута бошлади. Бунинг натижасида матбуотда хабарлар пайдо бўлди, оила ҳузурига олимлар ва тадқиқотчилар кела бошлашди. Улар Шантини Муттрага олиб боришга ва ундан гўёки ўзининг аввалги умрида яшаган уйига бошлаб киришни сўрашга аҳд қилишди.

Поезд Муттрага етиб борганда Шанти платформадаги одамларни кўриб қувончини яширолмай, уларга қўл силкий бошлади. У олимларга булар ўзининг қайнонаси билан қайниси эканлигини айтди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Бундан ҳам муҳимроғи шуки, у поезддан тушгач, шу жой шевасида гапира бошлади. Илгари Шанти бу шевани эшитмаган, уни ўрганмаган ҳам эди. У бу шевани Луиджи каби шу ерда туғилиб ўсган тақдирдагина билиши мумкин эди.

Жаҳонда кўпчилик одамлар қайта туғилишга ҳамиша ишонган. Ҳатто ғарбда ҳам бунга ишонч насронийлик даврига қадар кенг тарқалган эди. Лекин фалсафа тарихида биз Стивенсон кашф этиб тадқиқ қилганидаги каби ирсий билимлар ёки қайта туғилиш тўғрисидаги далил-исботларни тополмаймиз.

Қайта туғилишга ишонч ҳозирги пайтга келибгина мустаҳкамлана бошлаганлигининг сабабларидан бири шуки, руҳнинг бошқа танага ўтишига ўтмишда ҳеч қачон жиддий қаралмасди ва шунинг учун ҳеч ким бу ҳодисани Стивенсон каби жиддий ўрганмаган эди.

Нима учун ўтмишда бу масалага жиддий қаралмаганлигини фақат тахмин қилиш мумкин, холос.

Аммо илм-фан ривожланиши билан ҳодисани илмий усуллар асосида ўрганиш истаги жуда кўп далил-исботлар тўпланишига олиб келди. Бу далиллар қайта туғилишга яна ишонч уйғотиши мумкин.

У ҳолда, бу ҳодиса тез-тез юз бериб турадими, қайта туғилиш жараёни қанча вақт давом этади, бундан кўзланган мақсад нима, каби жавоб топилиши зарур бўлган бир қанча саволлар туғилади.

Ниҳоят, яна иккита қизиқарли савол:

биринчидан, барча одамлар ҳам ўлимларидан кейин қайта туғиладиларми ёки бу фақат айрим кишиларгагина хосми;

иккинчидан, агар ҳамма қайта туғиладиган бўлса, бунга ишончнинг бирор қадр-қиммати борми? Бошқача қилиб айтганда, қайта туғилишга ишонч натижасида онг билан тана ўртасидаги муносабат масаласи ўз долзарблигини йўқотишидан ҳамда қуруқ фалсафий муҳокамалар одоб-ахлоқ мавзусига кўчишидан ташқари, у инсоннинг ўзи учун бирор қиммат ва аҳамиятга эга бўладими?

Биринчи саволга жавобан шуни айтиш мумкинки, юқорида тасвирланган ҳодиса шу воқеа субъекти қайта туғилганлигини кўрсатяпти, лекин бу ҳамма ҳам қайта туғилаверишини исботламайди. Бу фақат айрим одамлар, аниқроғи, ўзининг аввалги ҳаётини эслай оладиганларгина қайта туғилиши мумкинлигини билдирармикин? Албатта, шундай бўлиши ҳам мумкин. Бироқ фикримизча, агар бир киши қайта туғила олса, демак ҳамма қайта туғилиши мумкин, деб ҳисоблаш учун асос бор. Чунки текширилган кишиларнинг ҳеч бирини алоҳида маънавий ёки ақлий устунликка эга, деб бўлмайди. Агар қайта туғилиш ҳамма учун хос бўлса, унда баъзи одамлар ўзларининг илгариги ҳаётларини эслай олмасликлари қизиқарли ҳолдир.

Биринчи савол хусусида гапирилган гаплардан иккинчи саволга ҳам қисман жавоб чиқади. Агар инсон аввалги ҳаётидан ҳеч нарсани эслаб қолмаса, у ҳолда унинг учун қайта туғилишга ишончнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. У фақат ўзидаги табиий қизиқувчанликни, инсон шахси табиатини англаб етишга интилишини ҳамда анъанавий материализм ёлғон-яшиқ гаплардан бошқа нарса эмаслигига ишонч ҳосил қилиш истагини қондириши мумкин. Агар ҳамма қайта туғилиши мумкин ва фақат айрим одамлар аввалги ҳаётларини ёдда сақлаб қоладилар, деб ҳисобласак (бу ҳақиқатдан унча узоқ эмас), шахсан ҳар бир киши учун қайта туғилишга ишончнинг аҳамиятини гипнотик регрессияга ўхшаш психотехника ёрдамида кучайтирса бўлади.

Регрессив техникани қўллаш кўпгина одамларга ўзларининг аввалги ҳаётларини билиб олишда ва илгариги умрларида тўпланган тажрибанинг мужассамлашган натижаси сифатида вужудга келган ўз феъл-атворларидаги кўпгина хусусиятларни англаб етишда ёрдам бериши мумкин. Айни шу тариқа, қайта туғилишга ишонч инсонни ўз шахсиятини ҳамда бу шахсият ривожланиши тарихини шакллантирган кучларни чуқурроқ идрок этиш сари етаклаши мумкин бўлур эди.

(«Дайджест МИРАЖИ» газетасидан).

ҚАЗИБ ОЛИНГАН КЕСКИЧ

● **АНГЛИЯНИНГ ШЕФФИЛД** шаҳрида яшовчи Дэйв Робертс ўзининг бўш пайтини кичкина токарлик дастгоҳи ёнида турли хил буюмлар, шакллар ясаш билан ўтказади.

Дастгоҳнинг кескичлари орасида узунлиги 12 сантиметр ва кенглиги 4 сантиметр бўлган номаълум ҳайвоннинг тиши ҳам бор. Бу «кескич» мис, қўрғошин, қалай, алюмин каби юмшоқ металларга ишлов беришда жуда қўл келади. Уни ҳатто чархлаш ҳам талаб қилинмайди.

МОТОРЛИ ҲАШАРОТЛАР

● **АМЕРИКАЛИК МУСАВВИР** Кен Жексоннинг ажойиб қизиққан иши бор: мана 20 йилдирки у парранда ва ҳашаротларнинг учувчи шаклини яратиб келади.

Ҳозир унинг коллекциясида бамбук ёғочи, енгил металл ва турли симлардан ясалган 128 хил шакл бор. Қизиғи шундаки, Жексон бу шаклчаларининг ҳаммасига митти мотор ўрнатган. Унинг энг митти «қушча»сига ўрнатилган мотор атиги ярим грамм келади. Шундай бўлсада у йигирма секунд парвоз қилади.

ЭРКАЛОВЧИ РОБОТ

● **ЯПОНИЯНИНГ КОБЕ** шаҳридаги госпиталнинг ортопедия бўлими физотерапевт врачларига ажойиб ассистент беришди. Бу шифолаш гимнастикаси пайтида ўзининг юмшоқ қўл-оёқларини бемалол ҳаракатлантира оладиган роботдир. Унинг ёрдамида бемор турли хил машқларни бажаради. Робот махсус дастур орқали турли хил беморлар билан турли хил машқлар ўтказади.

Беморлар айниқса, роботнинг «эркалаб мурожаат» қилишини хуш кўриб қолишган. У мулойим овоз билан кўрсатмалар бериб туради. Мабодо беморнинг машғулотга кучи етмай қолса у «Марҳамат, яна сал ҳаракат қилинг», дейди ва кейин мақтаб қўяди: «Ҳа, мана баракалла. Энди яна бир марта»...

ИШОНЧ

Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АҚРОМОВ (масъул котиб), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош муҳаррир муовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ (бош муҳаррир муовини), Турсун ҚЎШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовинлари — 56-52-89

● Масъул котиб —56-52-78

● Котибият —56-87-59

БЎЛИМЛАР:

● Касаба уюшмаси ва иқтисодий ҳаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва қонунчилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва табиат — 56-82—79

● Хатлар ва оммавий ишлар — 56-87-78

● Безатиш ва суратқашлик —56-87-74

● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари 56-85-79

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Якка тартибдаги обуна нархи 39 сўм 00 тийин.

● Корхона ва муассасалар учун обуна нархи 52 сўм 08 тийин.

Сотувдаги нархи 1 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиш учун 1992 йил 13 мартда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:
Акмал Акромов
Шавкат Қулибоев

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № Г-41

● 139.250 нусхада босилди.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12